O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 15-dekabr, chorshanba ● № 51 (699) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ЮРТ

Бугун Ғузорга йўлингиз тушиб қолса, кенг миқёсда амалга оширилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишларини кўриб, кўнглингиз яйрайди.



3-бет

КИМКИ КОМИЛ БЎЛҒАЙ ҒАФЛАТ АНГА ЁТ

Ҳар бир инсон ҳаётдаги ўрни, бурч ва вазифалари борлиги билан қадрлидир. Масалан, Навоий бобомиз асарларида баркамол инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири ватанпарварликдан иборат бўлмоғи лозим, дейди.



7-бет

БОЙСУНДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНАДИ

Тешиктош ғори, Гумматак қишлоғидаги динозавр излари топилган қоялар ва бошқа ўнлаб тарихий-маданий ёдгорликлар бўйлаб халқаро туристик саёҳат йўналишларининг очилиши, Бойсун маданий муҳити билан танишиш келгусида Ўзбекистон туризмини ривожлантиришда муносиб ўрин тутади.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- 14 декабрь куни "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақидаги Қонун матбуотда эълон қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди.
- 9 декабрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон — Британия Савдо ва саноат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Меҳнатидан баҳра топаётганлар

А.ҲАЙДАРОВ олган сурат

Марғилон азал-азалдан сержило атласи, адраслари билан дунёга танилган. "Марғилон бахмали" хусусий корхонасида меҳнат қилаётган юз нафарга яқин хотин-қиз ана шу анъаналарни давом эттирмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли хил ранглардаги бахмалларга талаб ортиб бораётир. Ўтган йили истеъмолчиларга бир миллиард сўмлик беш хил рангдаги бахмал газламаси етказиб берилди. Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтириш кўзда тутилган.

Суратда: *"Марғилон бахмали" хусусий корхонаси ишчиси Муҳайё Абабакирова.*

МУНОСАБАТ

Юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир" мавзуидаги маърузасини катта қизиқиш билан тингладик. Юртбошимиз мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар экан, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида юртимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани Конституциямиз асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, тамойил ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, жаҳонда ҳали-ҳануз молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган бир пайтда мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий барқарорлик ҳукм суриши, иқтисодий ўсиш кузатилиши, эртанги кун учун аниқ режалар қабул қилиниши, табиийки, юртимиз тараққиётини белгилашда муҳим омил бўлаётир. Шу маънода, Президентимиз 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилганларида, тўғриси, бу барча юртдошларим қатори мени ҳам чексиз қувонтирди. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда кўплаб афзалликларга, катта салоҳиятга эга соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур соҳа ривожи учун янада кенг имкониятлар яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш келгусида катта аҳамият касб эта-

(Давоми 2-бетда.)

ФАХР

Мустаҳкам таянч бўламиз

Истиқлол йилларидаги энг яхши анъаналардан бири кириб келаётган йилларга ном берилишида ҳам рамзий маъно бор. Зотан, бу номланишлар замирида мамлакат ободлиги, эл-юрт фаровонлигини таъминлашдек улкан мақсад мужассам. Унда халқнинг манфаати ўз ифодасини топади. Бош Қомусимизнинг 18 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда кириб келаётган янги, 2011 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" дея эълон қилингани биз каби тадбикорлик фаолиятини юритаётганларга янада кучғайрат бағишлади. Аслида мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб бу соҳани ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Чунончи, солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар берилди.

(Давоми 2-бетда.)

ТААССУРОТ

АЙТИБ ТУГАНМАС ТАРОНА

Бугун шаҳар, туман, қишлоқларимизда бўлган киши катта ўзгаришлар, янгиликлар юз бераётганига, улкан бунёдкорлик юмушлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Чексиз ғурур-ифтихор ҳиссига тўлади.

Бундан бир неча кун муқаддам она шаҳрим – қадим Самарқандда бўлиб дафъатан таниёлмадим. Шаҳар марказидаги эски, бир қаватли иморатлардан ном-нишон қолмабди. Улар ўрнида, кенг ва равон кўчаларнинг икки тарафида қад кўтарган, бир-бирини такрорламайдиган муҳташам бинолар ҳайратимга ҳайрат, қувончимга қувонч қўшди.

Ростини айтадиган бўлсак, бугун бундай ҳис-ҳаяжонга йўғрилган дил сўзларини юртимизнинг турли гўшаларида яшаётган ватандошларимиздан эшитасиз. «Ҳозир бизнинг Наманганга келучи-кетуччилар вилоятимизнинг тамоман ўзгариб кетганига қойил қолишади», — дейишади наманганлик танишларимиз ўзларига хос, ширин лаҳжада. «Бизнинг қорақалпоқ элига бир келсангиз, устоз, дияримиз, жеримизни бир кўрсангиз, — дейди ҳар сафар кўришганимизда журналистика факультетида таҳсил олган таниқли адиб Ўрозбой Абдураҳмонов.

2 »

ОБУНА – 2011

Қадрли юртдошлар!

"HURRIYAT" газетасининг азиз муштарийлари!

"HURRIYAT" — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчиси, мамлакатимиз ҳурриятининг сарҳил мевасидир!

Хабарингиз бор, 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, келгуси йил ҳам "HURRIYAT"ни мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга ишонамиз!

УНУТМАНГ, "HURRIYAT" СИЗНИНГ ДОИМИЙ МИНБАРИНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз:

"HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

МУНОСИБ РАҒБАТ ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши, муносиб турмуш кечириши, самарали меҳнат қилишида касаба уюшмаларининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида белгиланганидек, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан илгари сурилган мамлакатни ривожлантиришнинг беш асосий тамойилидан бири — ижтимоий ҳимоя энг асосий йўналиш сифатида эътироф этилгани меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга нақадар юксак эътибор қаратилганидан далолатдир.

Дарвоқе, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборни ҳис қилиб, меҳнати қадр топаётганини англасагина бор кучғайратини сафарбар этади. Ишида унум бўлиш билан бирга, меҳнат самарадорлиги ошади. Бу эса кўзланган натижага эришишга олиб келади. Шу боис, касаба уюшма ташкилотлари ишлаб чиқаришда иш сифати ва унумдорлигини оширувчи асосий омиллардан бири — инсон манфаати, унинг турмуш даражаси, моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишини энг биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблайди. Негаки, жамият олдида турган долзарб масала — сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси бошқа нодавлат ва жамоат ташкилотлари қатори касаба уюшмалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Ана шу юксак масъулиятни ҳис этган Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўзининг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимият органлари, шунингдек, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни юксалтириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан боғлиқ масалаларга фаолиятидаги асосий йўналишлар сифатида эътибор қаратмоқда.

3 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Мустаҳкам таянч бўламиз

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу билан бир қаторда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шу туфайли юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ҳамда таянчига, юртимизни тараққиёт йўлида фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2000 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил якунларига кўра ушбу кўрсаткич 53 фоизга етиши кутилаётгани қувонарли, албатта.

Мен Юртбошимизнинг ушбу маърузаларини телевизор орқали тинглаб тадбиркор бўлганимдан беихтиёр ғурурланиб кетдим. Тадбиркор сифатида икки йил муқаддам "Rezalit color" лок-бўёқ ва қуруқ қоришмали маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этгандим. Аввало корхонани Эрон, Германия давлатларидан келтирилган энг замонавий технологик дастгоҳлар билан жиҳозладик. Ушбу дастгоҳларда ёшларнинг иш юритишни ўзлаштиришлари учун махсус ўқув ташкил этилди. Натижада корхонада 45 та иш ўрни яратилиб, уларда асосан ёшлар фаолият юритмоқда. Кўрсаткичлар ҳам ёмон эмас. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида маҳсулот айланмаси 830 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ишлаб чиқарилган лок-бўёқ маҳсулотлари эса 586,9 тоннага етди. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тури 46 тага етди. Иш жараёнида асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилади. Шу сабабли ҳар йили ўтказиладиган турли кўргазмаларда қатнашиб, кўплаб шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқдамиз. Айниқса, "Ташаббус-2010" танловининг туман ва шаҳар босқичларида корхонамиз ўзининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Юртбошимиз маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурида келгуси фаолиятимизни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган устувор йўналишларни белгилаб олишда биз, тадбиркорларнинг фикрини инобатга олиш зарурлигига алоҳида урғу берилди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт", дея алоҳида таъкидлади Юртбошимиз.

Бу сўзлар бизни зиммамиздаги масъулиятли вазифани адо этиш орқали ана шу юксак ишончни адо этиш, юрт келажаги, истиқболи ва тараққиёти учун мустаҳкам таянч бўлишга ундайди.

Аваз КАРИМОВ,
Тошкент шаҳридаги "Rezalit color" корхонаси директори

Юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси

(Бошланиши 1-бетда.)

ди. Демак, келгуси йилги вазифаларимизни адо этишда масъулиятни янада оширишимиз талаб қилинади.

Юртбошимиз ўз маърузаларида Амир Темур бобомизнинг "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир", деган маъноли сўзларини келтириб, тадбиркор ва ишбилармон инсонлар қадим замонларда ҳам юксак қадрланганлигини айтиб ўтдилар. Чиндан ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат. Ушбу соҳанинг бугунги кунда янада ривожланаётгани, аввало, мустақиллигимиз шарофати, қолаверса, юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир. Шу ўринда рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, барчага аёнки, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот улушининг 48,5, меҳнатда банд бўлган кишиларнинг 74,4 фоизи кичик бизнесга тўғри келади. Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодиётига муносиб улуш қўшаётганидан далолат беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланиб, ҳар бир кишининг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. Ушбу конституциявий нормалар Фуқаролик Кодексида, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхоналар тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунларда ҳам ўз аксини топган. Албатта, вақт ўтиши билан қонунларни замон талабларига мос равишда такомиллаштириш зарурати туғилади. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарурлигини таклиф этди. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим.

Юртбошимиз маърузасида илгари сурилган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишлар қабул қилинадиган Давлат дастурида ўз аксини топади, албатта. Бу эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг келгусида тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига айланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Фахриддин СОЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Элликқалъа туманидаги "Тупроққалъа" қишлоқ фуқаролар йиғинида почта хизмати учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада бу ерда аҳолига сифатли почта хизмати кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Бу каби хайрли ишлар туманнинг энг олис қишлоқларида ҳам давом эттирилмоқда.

АНДИЖОН. Куни кеча Бўз тумани марказида намунавий лойиҳа асосида қурилган 12 та замонавий уйнинг калити ўз эгаларига топширилди. Бугунгача вилоят бўйича 620 хонадон соҳиби ана шундай уйларга кўчиб кирди. Келгуси йилда туманда 16 та, вилоят бўйича эса 665 та замонавий уй қурилишига буюртмалар расмийлаштирилди.

БУХОРО. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ромитан туманида 39 гектар майдонда янги боғ барпо этилмоқда. Бободеҳқонлар ажратилган майдонларга мевали кўчатлар ўтказишни аллақачон бошлаб юборишди.

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида вилоят перинатал марказининг янги биноси ишга туширилди. Мазкур бинони Боёвут туманидаги 3-хусусий қурилиш бошқармаси қурувчилари 7 ой ичида бунёд этишди. Доялик бўлимлари, жарроҳлик бўлими, туғруқ, чақалоқлар ва муолажа хоналари, палаталарнинг барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган.

СУРХОНДАРЁ. Вилоят шахмат федерацияси ҳамда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида шахмат бўйича 8-12 ёшли болалар ўртасида вилоят биринчилиги ўтказилди. Икки кун давом этган баҳсларда ғолиб чиққан ёш шахматчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди ва мусобақанинг республика биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

САМАРҚАНД. Вилоят марказидаги 10-Меҳрибонлик уйида энг яхши тарбиячини аниқлашга бағишланган анъанавий кўрик-танлов ўтказилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида уюштирилган мазкур тадбирда тарбиячилар турли шартлар асосида ўзларининг педагогик маҳоратларини намоён этишди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев Паркент туманида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда Тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтказилган учрашувларда мавжуд муаммолар ва уларни ечиш йўллари бўйича фикр алмашилди.

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимидаги ислоҳотларни давом эттириш, унинг барқарорлигини ошириш ҳамда юксак халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда, тизим фаолиятини янада мустаҳкамлаш, жумладан, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларини ташкил этишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида сўз юритилди.

ФАРҒОНА. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан Қўқон шаҳар соғлиқни сақлаш тизимининг туғруқ комплексида қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқарувчи ускуна ўрнатилди. Янги техника — қуёш батареялари тежамлилик бобида бебаҳо бўлибгина қолмай, атроф-муҳитни экологик ҳимоялашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

ХОРАЗМ. "Шовотдонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятига Германиянинг "Вахтел" компаниясидан харид қилинган дастгоҳлар ўрнатилиб, янги нон ишлаб чиқариш цехи иш бошлади. Ҳозир бу цехда 7 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Йил охиригача бу ерда макарон ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳрида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Қашқадарё вилояти бўлими фаолларининг семинар-тренинги бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди. Хусусан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бугун вилоят ҳудудидаги етакчи корхона ва ташкилотларда 37 минг нафарга яқин ходимлар меҳнат қилишади. Шундан нодавлат секторидаги корхоналарда 16693 нафар ходим ишлайди. Шу боис ҳам корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузишда ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган меҳнат қонунчилигининг яратилиши мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

БИЗНЕС ВА САМАРА

Имкониятлар кўлами чексиз

Инсон эҳтиёжлари ортиб, табиий захиралар камайиб бораётган бир пайтда даврнинг ўзи олдимизга қўшимча ресурслардан фойдаланиш заруратини қўймоқда. Боиси, табиат неъматларининг оқилона истифода этилиши баробарида ҳаётимиз узвийлигини таъминлаш бугунги кунининг долзарб вазифалари сирасига киради. Шунинг учун бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида дастлабки қадамлар қўйиляпти.



Хусусан, пойтахтимизнинг Зангиота туманидаги «Милк-Агро» МЧЖ фермер хўжалиги БМТнинг UNDP ташкилоти билан ҳамкорликда биогаз ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиб, ундан ўз эҳтиёжлари учун биогаз тайёрлашни йўлга қўйган. Барча жараён экологик нуқтаи назардан мутлақо зарарсиз бўлиб, ҳатто мол чиқиндиларининг ҳавога метан газини чиқариб, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олади.

Мазкур фермер хўжалигининг умумий майдони 240 гектар бўлиб, айни пайтда бу ерда 600 бош қорамол, ўндан ортиқ от ва қўйлар боқилмоқда. Шунинг учун зарур хомашёни бошқа жойдан келтиришга эҳтиёж йўқ.

— Биогаз ҳосил қилиш учун очиқ ҳавода бир ҳафта сақланган мол чиқиндиси 2,5-3 тонна сиғимга эга маҳаллий ўғитни бижғитувчи ускунага солиниб, яхшилаб қорилади, — дейди биогаз қурилмаси муҳандиси Рамазон Ўктамов. — Сўнгра махсус ускуна орқали ажратиб олинган газ цистернага юборилади. Ана шундан кейин ундан бемалол фойдаланиш мумкин. Ускуна кунига 300 кубдан 500 кубгача газ ажратиб олиб, электр энергияси, газ ресурсларини тежаш имконини бермоқда. Бу ўз эҳтиёжимиздан ташқари яна юзлаб хонадонларни биогаз билан таъминлаш салоҳиятига эга эканимизни англатади.

«Милк-Агро» МЧЖ яқинда Жанубий Кореядан мазкур қурилмага бириктирилувчи янги ускунани олиб келиб, ўз истиқболли режаларидан яна бирини амалга оширди. Натижада қурилманинг иш кўлами анча ошди.

Кўриниб турибдики, ҳаётимиз фаровонлигига эришиш ўз қўлимизда. Онамиздек ардоқлашимиз шарт бўлган табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш инсониятга янги имкониятлар калитини туҳфа қилиши исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Феруз ЖЎРАЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев бошқарди.

Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида келтириб ўтилган вазифаларга қаратилди. Бундан ташқари, йиғилишда Президентимизнинг жорий йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳри ҳамда Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида қилинган ишлар, бу борада 2011 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида атрофлича сўз борди. Шунингдек, солиқ органларининг шу йилнинг 11 ойлик фаолияти якунлари кўриб чиқилиб, йилни муваффаққиятли якунлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Йиғилишда алоҳида қайд этилганидек, республикада нақд пул муомаласи жараёнини такомиллаштириш ва пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши ҳажмини қисқартиришга эришиш иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, ушбу масала давлат солиқ хизмати органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Йиғилиш иштирокчилари айни шу йўналишда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида олиб борилаётган ишларни таҳлилий ва танқидий жиҳатдан муҳокама қилдилар.

Муҳокама сўнггида бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш, янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

АЙТИБ ТУГАНМАС ТАРОНА

(Бошланиши 1-бетда.)

Яқинда Навоий вилоятида ижодий сафарда бўлдик. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз: ушбу вилоятда наинки йил сайин, балки фасл сайин, ой сайин, кун сайин ўзгаришлар бўлиб турибди. Биргина мисол. Йил бошида, Ватан ҳимоячилари куни арафасида у ерга борганимизда, қурувчилар тили билан айтганда, кўплаб янгидан-янги объектлар ишга туширилганининг гувоҳи бўлган эдик. Жумладан, ана шундай янги, замонавий бинода — икки қаватли, хоналари кенг, жиҳозлари янги «Матбуот уйи»да ёзувчилар ҳамда журналистлар ижодий уюшмаларининг вилоят бўлимлари, «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталари таҳририятлари фаолият кўрсатаётганини кўриб қувонгандик. Конституция куни арафасидаги бу галги ижодий сафаримизда Навоийда янада улуғвор ўзгаришларни кўрдик, мароқли учрашувларда қатнашдик, бунёдкорлик, яратувчанлик ишқи билан ёниб яшаётган фидойи инсонлар билан учрашдик, дилтортар, самимий суҳбатлар қурдик. Навоий Давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида ўтган илк учрашувда сиёсий фанлар доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоев Асосий Қонунимиз ҳақида қисқа ва мазмунли маъруза қилди, адиб Ашурали Жўраев қатра битикларидан, шоирлар Ислом Ҳамро, Баҳриддин Садриддинов янги шеърларидан ўқишди, Республикада хизмат кўрсатган артист Сайфиддин Рўзиқулов зални гулдиратиб италян операларидан бирини ижро этди.

Махсус тузилган тадбирлар режа-жадвали асосида яна бир қатор шаҳар, туман ва қишлоқларда ҳам ижодий учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтди. Уларда вилоят зиёлиларидан профессорлар Сулаймон Иноятов, Абдуҳамид Холмуродов, шоирлардан Баҳо Саидов, Одил Ҳамроев, Азамат Сафаров, санъаткорлардан Башорат Ражабова, Раҳим Жуманиёзов, Шерали Давронов, Суҳроб Кенжаевлар иштирок этишди.

Маълумки, 2011 йил буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудига 570 йил тўлади. Бутун мамлакатимизда, жумладан, Навоий вилоятида ҳам бобокалонимиз юбилейи кенг нишонланади, албатта. Шундан келиб чиқиб, вилоят маркази — Навоий шаҳрида шоир номи билан аталувчи йирик китоб уйи очилса, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг сара асарлари сотиладиган ушбу бинонинг махсус залида доимий равишда ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар ўтказиб турилса, айни муддао бўларди. Негаки, ижодий сафаримиз давомида вилоятда кундан-кунга китоб ихлосмандлари кўпайиб бораётганига ишонч ҳосил қилдик.

Учрашувга кетаётиб, Ислом Ҳамро уйга кириб, отамни кўриб ўтайлик, деб қолди. Узоқ йиллар тарихдан сабоқ берган саксон ёшли нуроний салом-аликдан кейин ўғлидан бугун қандай китоблар олиб келганини сўради. Халқимизнинг суюкли ёзувчиларини номма-ном санаб, улар билан мириқиб гурунг қилганини ҳикоя қилиб берди. Олтинсой қишлоғидаги М.Эшниёзов раҳбарлик қилаётган коллеж ўқувчилари қандай янги китоблар нашр этилаётгани тўғрисида кўплаб саволлар беришди. Хатирчилик журналист Роҳила Сиддиқова туман тарихи ҳақида китоб ёзибди. «Қизилтепа тонги» газетаси муҳаррири Раҳим Мақсудов ҳам тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов билан биргаликда хайрли ишга қўл урибди...

Ижодий сафардан ана шундай унутилмас таассуротлар билан қайтдик.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи

Пақилдоқлар... безовта қилмайди

Бугунги кунда юртимизга ҳар хил пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш, маданий томоша ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш бўйича, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларининг айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятлар ва туманларда ўз ички чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди.

Пойтахтимиздаги Яккасарой тумани раҳбарияти ҳам юқоридаги қарор асосида ўз режаларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этмоқда. Унга асосан жорий йилнинг 1 ноябридан бошлаб туманда жойлашган бозорларда ва улар ҳудудидаги дўконлар, маҳалла ҳамда кўп қаватли уйларда, хизмат кўрсатиш шохобчаларида турли тадбирлар ўтказиладиган масканларда қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Туманнинг «Абдулла Қаҳҳор», «Ҳамид Сулаймон», «Қушбеги» маҳаллаларида фаоллар бошчилигида ички ишлар бўлимининг участка профилактика нозирлари, давлат солиқ инспекцияси ходимлари дўконлар, ишлаб чиқариш корхоналари, бозор ҳамда савдо шохобчаларида умуман пиротехника воситаларини сотмаслик, уни байрам, тўй каби тадбирларда ишлатишни тақиқлаш, агарда жойларда бирон нохушликлар сезилса, дарҳол мутасадди ташкилотларга хабар беришлари лозимлиги уқтирилди.

Тумандаги мавзеларда мактаб ва коллежларда туман ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси ҳамда халқ таълими бўлими ходимлари билан биргаликда қарорнинг ижросини бажаришга доир кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Носир ТОШПЎЛАТОВ,
Яккасарой туман ДСИ ходими

ОЛИС ҚИШЛОҚ САДОЛАРИ

Чирой очаётган юрт

Шу кунларда мамлакатимиз аҳолиси Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» деб номланган маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида билдирилган фикрларни ўқиб-ўрганмоқда. Мазкур Концепция ва маруза Ватанимизнинг келгуси йиллардаги тараққиёт йўналишларини, асосий устувор вазифаларни белгилаб берди. Остонада турган 2011 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номлангани халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Зеро, мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига кенг йўл очилди. Айни пайтда шаҳар ва қишлоқларда яшаётган аҳолининг катта қисми шу фаолият билан ризқ-насиба топаяпти, мамлакат фаровонлигига муносиб улуш қўшаяпти.



Бугун республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, саноат, қўйингки, халқ хўжалигимизнинг барча соҳалари маҳсулотларининг катта қисми хусусий тадбиркорларимиз улушига тўғри келаётгани кун тартибидаги масаланинг нақадар ҳаётийлигидан дарак беради.

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда Ғузор туманининг ўзига хос салмоқли ўрни бор. Боиси туман ҳудудида мамлакатимиздаги иккита гигант саноат корхонаси — «Шўртангазкимё» мажмуи ҳамда «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси жойлашган. Уларнинг кўмаги ва ҳомийлигида туманда катта миқёсда ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги Қоркўмди қишлоғида ўтган йили 20 та янги уй фойдаланишга топширилган эди. Айни дамда Янги ҳаёт қишлоғида замонавий лойиҳалар асосида қурилган 26 та уйга эгалари кўчиб ўтмоқда. Шу кунларда Ёнқишлоқда 90 та, умуман, туман бўйича 126 та янги уй қурилиши жадал давом этмоқда. Албатта, бунёд этилаётган янги қўрғонлар шаҳарча қиёфасига кирмоқда. Лойиҳага биноан бу ерда уй-жойлар билан бир вақтнинг ўзида мактаб, маҳалла гузари, чойхона, озиқ-овқат дўкони, дорихона, маданий ва маиший сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари қуриб битказилмоқда.

— Ҳали ҳам парламентимизнинг қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан қилинган маруза таассуротлари билан юрибман, — дейди Ғузор тумани ҳокими, сенатор Шомурод Донаев. — Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчиликка оид бир қатор ташаббуслари, жумладан, давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, айниқса, парламентни янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ҳамда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалари нафақат раҳбарлар, балки оддий меҳнаткаш халқимиз кўнглида куртаклаётган гаплар эди. — Юртбошимизнинг келаётган 2011 йилга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном бериши замирида ҳам катта маъно-мақсад мужассам, — дея сўзини давом эттирди у. — Чунки шу соҳани ривожлантириш орқали аҳолимизнинг ишга яроқли қисмини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд. Айни пайтда туманимизда 5 мингга яқин тадбиркорлик субъекти бор. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йилда 6,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу рақамлар келгуси йилда бир неча баробар кўпайишига шак-шубҳа йўқ.

Ғузор тумани аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Уларнинг ризқ-рўз манбаи ер, саховатли заминимиздир. Инсонни ер тўйдиради, деб бежиз айтишмаган. Халқимиз фаровонлигининг асл негизи ҳам ерга бориб тақалади. Биргина мисол: туманда аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш мақсадида инқирозга қарши чоралар дастурига асосан томорқалардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. 2010 йилда 2 минг гектардан зиёд аҳоли томорқаларида сабзавот ва полиз экинлари экилди. Шу кунгача 15 минг тоннадан зиёд сабзавот, 6 минг тонна полиз, 1,5 минг тонна картошка, 2 минг тоннадан ортиқ мева ва узум ҳосили йиғиштириб олинди. Бу эса ҳар бир оилага ўртача 747 минг сўмдан қўшимча даромад келтирди. Икки йил мобайнида аҳоли томорқаларида йигирмага яқин янги иссиқхона ташкил этилди.

Бугун Ғузорга йўлингиз тушиб қолса, кенг миқёсда амалга оширилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишларини кўриб, кўнглингиз яйрайди. Бунинг сабаби туманда халқ хўжалигининг барча соҳаларида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганидадир.

Ғулом АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

ҚАРОР ВА ИЖРО

МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ

энди фуқароларимиз автомототранспорт воситалари учун янги кўринишдаги давлат рақам белгиларини 2013 йилнинг 1 январига қадар олишлари мумкин

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, соҳани ривожлантириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва бу борадаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан ушбу қарорлар талабларини амалга татбиқ этиш мақсадида бир қатор тадбирлар бажариб келинмоқда. Жумладан, сўнгги икки йил мобайнида янги кўринишдаги давлат рақам белгиларини жорий қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди. ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холмат Сайдалиев билан бўлиб ўтган суҳбатда айни шу масалага оид янгиликлар тўғрисида сўз борди.

— Холмат Аҳмедович, маълумки ҳаётда ҳар бир парса ривожланишда бўлади. Шу маънода, янги кўринишдаги давлат рақам белгиларининг жорий этилишини тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишларнинг, соҳани такомиллаштириш йўлида ўтказилаётган ислоҳотларнинг меваси деб баҳолаш мумкин. Айтинг-чи, янги давлат белгиларининг жорий этишдан кўзланган асосий мақсад нималардан иборат?

— Янги давлат рақам белгиларининг жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад, бу — автомототранспорт воситалари миллий рақам белгиларининг халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни руйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбакилаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишдан иборат. Шунга кўра янги давлат рақам белгилари ёруғликни акс эттирувчи қопламага эга бўлиб, у чидамли ва коррозияга қарши металл қотишмасидан, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи тасдиқланган махсус технологияга мувофиқ тайёрланмоқда.

Хабарингиз бор, 2007 йилнинг 27 июнь куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 131-сонли қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга асосан 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, автомототранспорт воситалари учун улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек, янгидан руйхатдан ўтказилаётган (қайта руйхатдан ўтказилаётган) барча автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартибда янги, миллий рақам белгилари берилиши режалантирилганди. Қолаверса, 2009 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2011 йилнинг 1 январигача янгидан руйхатдан ўтказилаётган (қайта руйхатдан ўтказилаётган), шунингдек, фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартибда янги рақам белгиларини бериш кўзда тутилган эди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг жадал суръатлар билан ривожланиши, автомобиллар сонининг тобора ортиб бораётганини инобатга олиб, шунингдек, 13-сонли қарорни сифатли ижро қилиш мақсадида 2010 йилнинг 3 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг айнан шу мавзудаги яна бир қарори чиқди. «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш муддатларини узайтириш тўғрисида»ги бу қарорга асосан энди фуқароларимиз давлат рақам белгиларини 2013 йилнинг 1 январига қадар алмаштиришлари мумкин.

— Фуқароларимизга давлат рақам белгиларининг ҳудудий код рақамлари тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларининг ҳудудий коллари қуйидагича қилиб белгиланган:

Ҳудудлар	Код рақамлари
Тошкент шаҳри	*01 – 09*
Тошкент вилояти	10 – 19
Сирдарё вилояти	*20 – 24*
Жиззах вилояти	25 – 29
Самарқанд вилояти	*30 – 39*
Фарғона вилояти	40 – 49
Наманган вилояти	*50 – 59*
Андижон вилояти	60 – 69
Қашқадарё вилояти	*70 – 74*
Сурхондарё вилояти	75 – 79
Бухоро вилояти	*80 – 84*
Навоий вилояти	85 – 89
Хоразм вилояти	*90 – 94*
Қорақалпоғистон Республикаси	95 – 99

— Кўпчиликни давлат рақам белгиларини олиш учун тўланадиган маблағлар қизиқтирини табиий.

— Давлат рақам белгиларини олиш учун автомототранспорт воситалари эгаларидан республикамиз ҳудудида жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баробари миқдорида, қайд этиш гувоҳномаси олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида бож ундирилади.

Мансуржон РИХСИЕВ суҳбатлашди

МУНОСИБ РАҒБАТ ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугунги кунда меҳнат муносабатларини тартибга солишда ижтимоий шерикчилик асосида иш олиб борилиши зарурлигини давр тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатлари, яъни минимал иш ҳақи, ҳар йилги меҳнат таътили, ижтимоий суғуртадаги минимал ижтимоий стандартлар, соғлиқни сақлаш каби кўпдан-кўп ижтимоий ҳимоя йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Табиийки, бу ўринда меҳнат муносабатларини ривожлантириш ижтимоий шерикчилик асосида — жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали амалга оширилади.

Тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия муассасаларида иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб ходимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёз ва кафолатларга тўла амал қилиш, қўшимча имтиёз яратиш, меҳнат ҳамда ўқиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Марказий кенгаш ўз ижтимоий шериклари — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази билан тармоқ келишувлари тузиб, таълим тизимини тубдан яхшилаш чораларини кўрмоқда. Хусусан, замонавий ўқув технологияларини жорий қилиш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда таълим соҳасига тааллуқли Давлат дастурларини бажариш бўйича ҳамкорликда самарали фаолият олиб бориляпти. Ўқитувчилар, ходимлар, талабалар ва нафақахўрларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш — тармоқ касаба уюшмаларининг асосий мақсади қилиб олинган.

— Ҳозирги кунда тармоқ касаба уюшмаси таркибида 13980 та бошланғич ташкилот мавжуд, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров. — Улардан 13971 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 1 миллион 62 минг 927 нафар ишловчи ходимнинг ҳимоя қилиниши назарда тутилган. Мазкур ташкилотларда жамоа шартномаларига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш талаби киритилган.

Жамоа келишувлари ва шартномаларига биноан педагог ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида сўнгги беш йил мобайнида 36 минг 680 нафар ходим санаторий ва дам олиш уйларида, 29 минг 410 нафар ходим эса санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Бунинг учун 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шаҳардан ташқари ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда 255 минг 231 нафар ўқувчи дам олдирилди. 2010 йилда бу мақсад йўлида 1,5 миллиард сўм сарфланди. Ёки ҳар йили умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва улар учун ўқув семинарлари ташкил этиш ҳамда мактаб ўқитувчиларининг дам олиш хоналарини зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Марказий кенгаш бюджети ҳисобидан ўртача 200 миллион сўм сарфланмоқда.

— Ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда Марказий кенгаш қошида уларнинг ўқиш ва ишлаш жараёнидаги муаммолари билан шуғулланувчи Ёшлар кенгаши фаолият кўрсатиб келмоқда, — дея ўз сўзини давом эттирди Н.Акбаров. — Унинг бевосита иштирокида тармоқ касаба уюшмаси ҳар йили ўртача юздан ортиқ кам таъминланган иқтидорли жамоатчи аспирантлар ва талабаларга 35 миллион сўмдан 48 миллион сўмгача махсус устама стипендиялар, тармоққа тегишли 50 га яқин олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ота-онасиз талабаларга 125 миллион сўмгача контракт пули тўлови амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Марказий кенгаш хорижий касаба уюшма ташкилотлари тажрибаларидан ҳам фойдаланиш мақсадида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Чунончи, тармоқ касаба уюшмаси ўтган давр мобайнида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «ИПЕК — болалар меҳнатига барҳам бериш» дастури ва Европа Иттифоқи Комиссиясининг «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик» — ТАСИС лойиҳаси доирасида самарали ҳамкорлик олиб борди. Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Халқаро Касаба Уюшмалари Ташкилоти ҳамда Халқаро Таълим Ташкилоти (Education International) билан республика меҳнаткашларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмалари ўрни борасида самарали ҳамкорлик фаолиятини юритмоқда.

Мазкур халқаро ташкилотлар, хорижий ва МДҲ давлатлари касаба уюшма ташкилотлари билан ўзаро мулоқотлар чоғида, улар томонидан ташкил этилаётган халқаро семинарларда педагог ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида тажрибалар алмашилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари жаҳон касаба уюшма ташкилотлари бирдамлиги ва илғор тажрибаларига ҳамоҳанг ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг бутун салоҳиятини мамлакатимиз эртанги куни ва буюк келажаги йўлида сафарбар этишга ундовчи куч бўлиб қолмоқда. Зеро, касаба уюшмалари инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатлари инъикосидир.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

ХОТИРА

Ўзгаларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриб, уларнинг ташвиши билан яшаш ҳаммамизнинг ҳам қўлимиздан келавермайди. Мўғултоғ тизмаларининг шундоққина ўнгирида жойлашган сўлим Қушчи қишлоғида (Тошкент вилояти) туғилган Мирзабек Дўстмуродов ана шундай инсонлардан бири эди. У умри давомида фақат эл соғлиғи учун курашиб, одамларга шодлик улашиб яшашга ҳаракат қилди.

Эзгуликнинг умри боқий

Мирзабекнинг ёшлигидан тиббиётга, шифокорлик касбига иштиёқи бўлакча эди. Билимдон, етук шифокор бўлиб ватандошларига чин дилдан хизмат қилишни орзу қиларди. У бу хайрли мақсади йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмай олдинга интилди. Дадиллик билан янги-янги чўққиларни забт этишга уринди. Охир-оқибат унинг ҳаракатлари самарасиз кетмади. Мирзабек Дўстмуродов жарроҳлик факультетининг толибига айланди. Талабалик йилларида эса тиббиётнинг ўзига хос нозик қирраларини қунт билан эгаллади. Заҳмат чекиб олинган билим кейинчалик ўз мевасини берди, албатта.

Мирзабек Дўстмуродовнинг йигирма йиллик шифокорлик фаолияти Андижонда кечди. Андижон тиббиёт институтининг хирургия ва нейрохирургия кафедрасида ишлаб, илмий изланишлар билан машғул бўлди. Тинимсиз изланишлар уни хирургия, нейрохирургия, травматология ва ортопедия соҳасининг билимдонига, тажрибали жарроҳга айлантирди. Мазкур соҳага оид кўплаб илмий мақолалар ёзди.

Қаҳрамонимиз ўзининг кўп йиллик самарали фаолияти давомида бир қатор нуфузли институтлар ва жамиятларда раҳбар лавозимларида ишлади. Жумладан, Республика травматология ва ортопедия ҳамда ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институтларига раҳбарлик қилди. Бу йиллар ичида у шикастланган, касалланган бош ва орқа мияларга энг мураккаб жарроҳлик усулларини қўллаб, беморлар жонига оро кирди. Унинг саъй-ҳаракати билан бошланган кўкрак умуртқасида остеохондроз касалликларини аниқлаш ва даволашнинг янги, самарали усуллари оммалашди.

Шифокор умрининг сўнгги йилларида травматология соҳасига доир яна бир муҳим масала билан машғул бўлди. Оёқ протезининг мижоз оёғига мос тушиши, уни безовта қилмаслик учун янгича жарроҳлик усулларини қўллади. Бу, ўз навбатида, янгилик сифатида ижобий натижалар берди.

Бир сўз билан айтганда, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мирзабек Дўстмуҳамедов жуда кўплаб ёш шифокорларга устозлик қилди. Эзгуликнинг умри боқий деганларидек, бугун унинг хайрли ишларини шогирдлари, фарзандлари давом эттиришмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД

МУШОҲАДА

Газетанинг умри бир кунми?

Кундалик газеталарни варақлаётиб бир санада чиққан иккита нашрда мевалар хосияти ҳақида икки хил фикрни ўқиб қолдим. Уларнинг бирида олмани истеъмол қилишда унинг пўстини арчмаслик тавсия этилади, чунки асосий фойдали моддалар меванинг пўстлоғида экан. Иккинчи газета маслаҳатларида эса олма пўсти ичакларга ёпишиб қолиб инсон организмига зарар етказиши уқтирилган. Кўнглимда шундай савол туғилди: қайси бирига ишониш керак? Янаям бошқачароқ ифодаласак: қайси газетани ўқиш керак?

Мамлакатимизда мустақиллик берган имкониятлар туфайли фақат кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар кўпайди. Бугун турли хил номдаги, турли йўналишдаги нашрлар чоп этилмоқда. Хўш, газета дўконларини безаб турган ушбу нашрларнинг ўқилиши қандай? Газеталар "томошага ўч" мухлислар дидига мослашиши керакми ёки давр олдинга қўяётган мавзуларни ўқишга ўргатиши муҳимми?!.

Ҳар куни босмахоналардан чиқаётган газеталарга сарфланган қоғозларни ўйласангиз, ақлингиз шошади. Эндиликда аксарият нашрлар рангли чоп этилаётганини назарда тутсангиз, бўёқлар улуши ҳам ошиб бормоқда. Айтаётган гапларимиз, ёзаётган мақолаларимиз шу харажатларга арзийдими? Албатта, маънавий неъматни моддий нарса билан таққослаб бўлмайди. Лекин кўпчиликни қизиқтирмайдиган, ўқилганда уйқуга тортадиган саҳифа-саҳифа мақолалар эълон қилаётганимиздан кўз юмишга ҳақимиз борми?

Яқинда бир муаллиф ёзиб келган мақолани ўзига хос синовдан ўтказдик. Оддий ҳисоботдан туси ўзга бўлмаган мақолани маҳаллада одамлар гавжум жойда овоз чиқариб ўқишни таклиф қилдик. Бир дақиқа ўтар-ўтмас тингловчилар: "Э бўлди-да, бунақа гапларни эшитишга вақтимиз йўқ" деган эътирозни билдиришди. Шу сўзлар муаллиф ижодига баҳо бўлди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан учрашган пайтларида жуда кўп қиммат-ли фикрларни уқтирадилар. Шундай мулоқотлардан бирида бугунги кун журналисти қўлига қалам олганида ўз олдига қандай вазифа қўйиши лозимлиги хусусида билдирган фикрлари қалбимизда муҳрланиб қолган. Ўша лаҳзаларда ижодкор ўз-ўзига шундай савол қўйсин: Хўш, мен ушбу чиқиш орқали газетхонга қандай янги гап айтдим? Ва шу гап одамлар онги ва қалбига етиб борадими? Ҳаётимизда учраб турадиган камчилик ва муаммоларни кўтариб чиқишга ҳам алоҳида талаб бор. Муаммони кўтариш қийин эмас. Энг муҳими, ўша муаммо ечими йўлида журналист шу мамлакатнинг бир ватанпарвари сифатида излансин.

Кўпинча тўрт-беш киши бир жойда тўпланиб у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришади. Мабодо суҳбат мавзуи узилиб қолса, даврадагилардан бири "Гап йўғида гап" деб қизиқарсиз, оддий воқеаларни сўзлаб беради. Баъзан газеталаримиздаги бир қолипли мақолаларни ўқиганда "Буям "гап йўғида гап" қабилида ёзилмаганмикан?", деган фикр кўнгилдан ўтади. Ғиж-ғиж рақамлардан иборат ҳисоботлар кимга керак? Ундан кўра ўша натижаларга эришишда қандай омиллар қўл келганлиги ҳикоя қилинса, бу тажриба газета орқали кўпчиликнинг мулкига айланмасмиди?!. Беҳуда мақтанишлар, ортиқча ҳисоботлардан иборат мақолаларга эътироз билдирсангиз, "Ахир, бу тижорат материалку" деб изоҳ беришади. Модомики, тижорат мақсадида чиқиш қилинаётган бўлса, у бошқаларидан кўра қизиқарли, жозибадор бўлиши керак эмасми?

Ҳисобот учун ўтказиладиган айрим тадбирлар — конференция, семинар ёки анжуманлар бир-биридан зерикарли кечади. Улар ҳақидаги ахборот ҳам газетхонни қизиқтирмайди. Шундай хабар саҳифанинг бирор бурчагида берилгудек бўлса, ўша тадбир ташкилотчилари ўз идоралари номи тушиб қолмаслиги учун жон куйдиришади. Кейинги пайтларда нафақат тадбирни ташкил қилганлар, ҳатто унда иштирок этганлар ҳам матбуот орқали хабар қилишларини сўрашяпти. Бундай хабарни ўшаларнинг ўзларидан бошқа ҳеч ким ўқимайди аслида.

Кўп ҳолларда мақола ва лавҳаларнинг илк хатбошида бир қолипли, газетхонни бездирувчи жумлаларни учратасиз. Бунга кўзи тушган муштарийнинг қизиқиши сўнади, мақолани ўқимай қўя қолади. Шу боис, газетхонга сўз айтиш ниятингиз бўлса, аввало биринчи калом ҳақида ўйлаш лозим.

"Бир ўйлаб кўрайлик-а, агар дунёда одамлар бир-бирлари билан умуман сўзлашмасалар, суҳбатлашмасалар, муомалада бўлмасалар нима бўлади? Инсон дилларини тўлдириб, эзиб ётган гапларни ташқарига чиқариб юкдан фориғ бўла оладими? Лаззатланиш, енгил тортиш, қайғуриш каби кечинмаларни ҳис эта оладими?" Бу сўзлар Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабаси Камола Алибекованинг "Яхши сўз билан" сарлавҳали мақоласининг ("Туркистон", 27 ноябрь) муқаддимасидир. Табиийки, бу сўзларни ўқиган газетхон фикр юритади, бундан кейин нима дейилишига қизиқади.

"Дарҳақиқат, сўзлашув инсон учун ким биландир дилдан суҳбатлашиб олам-олам маъно, куч, ҳузур олиш имконини беради, — деб дил сўзларини баён қилади муаллиф. — Шу биргина суҳбат имконияти не-не буюк кашфиётлар қилишга ундаши, орзулар йўлида куч бериши, олға қадам қўйишга илҳомлантириши мумкин... Одамзот кунига миллионлаб сўзлардан фойдаланади. Ҳеч ўйлаб кўрдикми, уларнинг қанчаси яхши сўзлару, қанчаси ёмон? Қайсилари эзгуликка хизмат қилади-ю, қайсилари кимнингдир озор чекишига сабаб бўлади". Демак, сўз шу қадар қудратли кучга эга экан, матбуот сўзи янаям улкан таъсир кучи ҳосил қилишини англаш қийин эмас.

> Кўп ҳолларда мақола ва лавҳаларнинг илк хатбошида бир қолипли, газетхонни бездирувчи жумлаларни учратасиз. Бунга кўзи тушган муштарийнинг қизиқиши сўнади, мақолани ўқимай қўя қолади.

Баъзан газета саҳифасида миллий қадриятларимиз нотўғри талқин қилинса, ажабланишдан бошқа йўл тополмаймиз. Масалан, "Новости Узбекистана" ҳафталигининг 12 ноябрь сонида нашр этилган Мунид Зокировнинг "Томошабин уни севади" сарлавҳали мақоласидаги ушбу сатрларга эътибор қилинг: "Айтишларича, шарқликлар танҳоликни, ёлғизликни афзал кўришади. Онгли равишда ёлғиз қолиш эзгулик саналиб, қалбни тозалайди". Аслида бунинг тескариси эмасми?! Бизнинг халқимиз азалдан жамоа бўлиб яшаб, кўпчилик кучи билан мушкулликларни енгиб келган-ку?! Ўйламай айтилган гап тор доирада қолиб кетиши мумкин, лекин минг-минглаб нусхада жамоатчиликка ҳавола этилиши кишини ўйлантиради.

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Ойгул Нуриддин қизи "Маърифат" газетасининг шу йил 10 ноябрь сонида чиққан мақоласида ўз ҳамкасбларига "Ўзбекистон тарихи" ҳамда "Жаҳон тарихи" фанларини ўқитишда мавзуларга доир матбуот материаллари билан қуролланишни тавсия этади: "Устоз ўқувчиларга тарихий мазмундаги мақола ва адабиётларни топишни уй вазифаси қилиб берса, ўқувчилар ўзи устида мунтазам ишлайди". Ҳақиқатдан ҳам фақат дарслик билан чекланиб қолмасдан, ўрганилаётган мавзу ҳаётдан, янаям аниқроғи, ҳаёт кўзгусидан олинган мисол билан бойитилса, таълим самарадорлиги янада ошади. Буни замонавий педагогик технологиялар сирасига киритиш мумкин. Модомики, матбуот материаллари тарих учун хизмат қилар экан, газетанинг умри бир кунлик эмас. Маънавий ҳаётимизда воқеа бўлган чиқишлар айнан даврий нашрлар орқали қалбларда муҳрланиб қолади.

Тўғри, муайян мақсад ва вазифаларни ўз Низомида белгилаб олган нашрни бошдан-оёқ бадиий бўёқ берилган ҳолда, кўнгилочар мазмунда чиқариб бўлмайди. Ҳар бир газетанинг ўзига хослиги жиҳатидан келиб чиқиб расмий бўлимлари, соф ишлаб чиқаришга оид рукнлари бўлиши мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам, газета — бу идоравий бюллетенлар тўплами эмас. Унинг обуначиси, ўқувчиси, энг аввало, жонли инсон. Қайси мавзу бўлмасин, битилган битик қизиқиш билан ўқилиши керак. Бугунги кун рақобат тушунчаси нафақат ишлаб чиқаришда, балки мафкура оламида ҳам борлигини билдирмоқда.

Ҳамма саҳифалари сканворд, кроссворд каби бошқотирмалардан иборат даврий нашрлар ҳам бор. Турли-туман шов-шувлар, фавқулодда ҳолатлар билан газетхонни ўзига жалб қилишга интилаётган босма нашрлар чоп этилмоқда. Балки бундай газеталарни йўл-йўлакай назар ташлаш, бекор вақтни ўтказиш учун сотиб олишар. Лекин улар бугунги замондошимизнинг маънавий эҳтиёжини тўла қондиролмайди. Ҳар бир муштарий қалбида ватан туйғусини жўш урдириш, халқ кўнглига эзгу ниятларни етказишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган "жиддий" нашрлар давр талаблари асосида ижодий изланиш уфқида янгидан-янги марраларни забт этишлари лозим.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

БИЗНИНГ АНКЕТА

Матбуот — ҳаёт кўзгуси

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

Гайрат ОМОНОВ,
Қашқадарё вилоят Миришкор туман "Миришкор машъали" газетаси муҳаррири

1. Дунёда юз бераётган воқеалар, ҳодисалар, янгиликлар оқимига назар ташласак, оламшумул ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Ана шу янгиланишлар жараёнида матбуот ўзининг вазифасини холисона ўтаб келмоқда. Аёнки, сўз, ижод эркинлиги, фикр даъваткорлиги матбуотнинг асосий қуроли саналади. Шу маънода жамият равнақи, халқ орзу-интилишларининг инъикоси сифатида матбуот ижтимоий фикрни шакллантиришга, инсон қалби ва дунёқарашида янгиланишлар содир бўлишига кўмаклашиши зарур.

Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги асослари қонун билан мустаҳкамланиб, давлат томонидан ҳуқуқий кафолатлари таъминланяпти. Бундай ғамхўрлик ва юксак эътибор соҳа ходимларидан ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга масъулият билан ёндашувни тақозо этади. Ватанимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти, истиқлол йилларидаги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этиш, энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш, соҳа ходимлари фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда қуйи матбуот фаолиятига назар ташласак, аксарият туман газеталарининг адади минг нусхадан ошмай қолаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир бир дона газетанинг обуна нархи ўртача 30 минг сўм атрофида баҳоланмоқда. Демак, мингта обуна нари борса 30 миллион сўм бўлади. Унинг анчагина қисми солиқ тўловлари, почта, босмахона ва бошқа харажатлар учун сарф бўлади. Билишимча, аксарият туман газеталари бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан қийналишяпти. Агар улар иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, ўз ҳисобидаги маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланса, матбуотимиз анча тараққий этган бўларди.

2. Юртбошимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида таъкидланганидек, **"Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас. Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айттанда, уларнинг қулоғини тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак? Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч — бу матбуот, десак ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".** Давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари миллий матбуотимизда танқид нечоғли ўрин тутишига аниқ жавоб бўла олади.

Соҳа ходими сифатида айтишим мумкинки, журналист дунёда, ён-атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд, томошабин бўлиб туролмайди. Шу боис, у ислоҳотлар самарадорлигини оширишга тўсиқ бўладиган иллатларга, иқтисодиётдаги, маънавиятдаги, умуман олганда, барча соҳалардаги нуқсон ва камчиликларни холисона таҳлил қила билиши, омма ҳукмига юксак касбий маҳорат билан ҳавола эта олиши лозим.

Маълумки, яқинлашиб келаётган янги – 2011 йил Юртбошимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юрита туриб, **"...жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди"** деб таъкидладилар. Бу бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди, албатта. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар тўғрисида аниқ факт ва рақамларга асосланган танқидий-таҳлилий чиқишларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

3. Таҳририятимизда жами 5 нафар ходим хизмат қилади. Айни чоғда нашримизнинг адади 900 нусха. Туман аҳолиси қарийб 100 минг нафар эканини ҳисобга олсак, бу аҳоли сонига нисбатан бир фоизни ҳам ташкил этмайди. Анча йиллар олдин таҳририят биноси бошқа ташкилотга бериб юборилди. Эндиликда ўша ташкилотнинг қошу қовоғига қараб ишлаб келяпмиз.

Хуллас, ёзда иссиқ, қишда совуқ хоналарда фаолият юритаётиб, ишимдан қониқаман десам, бироз нотўғри бўлар, менимча. Бу каби ҳолатлар юзасидан муассисларимиз ҳам мулоҳаза қилиб кўришса, туман газетаси ўша туманнинг юзи эканини чуқур идрок этишса, фойдадан холи бўлмайди.

ҲАМКАСБ

ЖУРНАЛИСТ НОМИНИ УЛУҒЛАБ

«Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бўлим мудири Нажмиддин Эргашев табиатига чизгилар

Нажмиддин Эргашев илмни хор қилмайдиган қаламкаш. У яхши ёзади, саводли ёзади, ҳақиқатни ёзади. Журналистика одоби ҳам ана шу фазилатлардан иборат.

Кўп йиллик кузатувларимдан аёнки, бошқа касб эгалари ўз соҳаси бўйича «яшин тезлигида» ном қозонишлари мумкин. Бунинг учун маълум бир шарт-шароит ва қулай имконият топилса, бас. Аммо бизнинг ишимизда «бўй кўрсатиш» учун энг аввало, «темир тиш» ва албатта, заҳматли йиллар тажрибаси керак. Матбуот Нил каби кенг ва узун дарё. Бу дарёга боши билан сакраб, тез орада оддий хасчалик ҳоли ва мақоми йўқлигини англаганлар қанча!..

Бизнинг Нажмиддин эса ўша қудратли оқим билан баробар сузиш асосида кучга тўляпти. Илм йиғяпти, қаламини чархлаб боряпти. У оддий ишчи эди. Оддий ишчининг нуфузини-да баланд кўтара олган меҳнаткаш, фидойи йигитдаги бу хислат таҳририятга ишга келгач, янада сайқал топди. Бугун ўзбек миллий матбуотининг шонли зарварақларида Нажмиддин Эргашев қаламига мансуб долзарб, она-Ватан бахт-саодати, унинг янада гуллаб-яшнаши тўғрисидаги юзлаб публицистик асарларни учратасиз. «Илдизингиз бақувватми, миллатдош», «Ватанни борлиги учун севадилар», «Асаларига ўхшанг, одамлар», «Уч муҳаббатнинг бир илдизи» каби мақолалар анчагина шов-шувларга сабаб бўлгани унинг изланувчанлигининг самараси.

Табиат ноёб сабоқ. Қаранг, шохлари булутларга етган довдарахтлар бор, яна улар юз йиллаб яшайдиларки, ҳеч қачон ҳосил бермайдилар. Жамият ҳам табиатдан андоза олади. Демак, не-не улуғ зотлар, фан ва адабиёт намояндаларини биламизки, улар биронта шогирд қолдиришмаган. Шогирд аслида ҳаётнинг, эзгуликнинг давоми.

Нажмиддин жамоамизда қад ростлаб, оёққа турганидан бошлаб, ёнидан «шох чиқариб», ўнлаб истеъдодли ёшларни ортидан эргаштиряпти, уларнинг қалбида касбимизга нисбатан шижоат ифори таралишига жонжаҳди билан киришаяпти. Бугун биз Мирзоҳид Эшматов, Моҳидил Мамасолиева каби кенжа авлод ижодида айнан Н. Эргашевнинг руҳий қиёфасини, чизгиларини сезиб турибмиз.

Нажмиддин касбини кўз қорачиғидай асрайдиган журналистлардан. Тан олмоқ жоиз, мина яширинган майдон узра оёқ босиб жон сақламоқ осон бўлмагани каби бири биридан жозибали, жилвакор, эс-хаёлингни ўғирловчи «таклиф»лар қуршовида нафсга гард қўндирмай яшаш осон эмас. Ҳамкасбимиз ана шу қудратни жиловлаб, унинг қутуришига изн бермай, неча йиллардан буён ойласини ҳалол луқма билан боқиб келаётганининг ўзи бир фазилат. Унинг вилоят қалам аҳллари орасида ном қозониши, фахр-ифтихор, иззат-икромга эришиши замирида яхши каломидан ташқари, гўзал хулқ ва чиройли одоби, ҳақгўйлиги муҳим аҳамият касб этади.

Нажмиддин Эргашев — замонавий журналист. У замонавий ахборот технологиялари имкониятидан оқилона фойдалана билади, тўғридан-тўғри компьютерда ёзади, интернет саҳифаларида бемалол «сайр» этади. Шу боис ёзган мақолаларида замон руҳига мос, ижтимоий фикр, ижтимоий таҳлил ва ижтимоий хулоса кучли.

Нажмиддин диний экстремизм ва халқаро терроризм мавзусида қалам тебратганида ўзини гўёки уммондаги балиқ каби эркин ва дадил сезади. Боиси дунёвий илмлар қаторида диний билимда ҳам пешлиги бор. У мазкур мавзунинг нозик қирраларини чуқур идрок қилади, йўлдан адашганлар юрагига ёғду олиб киришга интилади, уларга ҳақиқат рухсорини рўй-рост кўрсатишга ҳаракат қилади. Ижодкорнинг маънавий бўшлиқни илм нурлари ила чароғон этишга йўналтирилган таҳлилий мақолалари марказий ва маҳаллий газеталарда чоп этилиб, катта қизиқиш билан ўқилишининг боиси ҳам шундан.

Тиниб-тинчимас Нажмиддин журналистикадаги маҳорат мактабининг фаол ташкилотчиси. Аслида ўзи ҳам дастлабки қадамни «Андижоннома» газетаси қошидаги мухбирлар мактабидан бошлаган эди. Эндиликда бу ўқувчининг ўзи ўқитувчига айланиб турибди. Фахрли жиҳати шундаки, у маҳорат мактаблари учун алоҳида дарслик тайёрлаб, ёшларнинг назарий билим савиясини оширишга муносиб улуш қўшмоқда. «Бошловчи журналист ва маҳорат машаққати», «Амалий журналистика сабоқлари» китоблари ана шулар жумласидандир.

Изланувчан қаламкаш серқирра ижодкор. У ҳам назм, ҳам насрда қалам тебрата олади. «Эрта ботган ой», «Тараддуд фасли» деб аталган шеърий, «Тазарру» номли ҳикоялар тўпламлари унинг нозиктаъб, жўшқин қалб соҳиби эканидан далолат беради.

Ижод — тўфонли олам. Бу мухораба дунёсининг ўзига хос сир-синоати бор. Кимки ёрқин истеъдод, ақл-заковат ва билим ила зийнатланган бўлса, шак-шубҳасиз, унинг парвози баланд ва нурли кечади. Нажмиддин ҳам ана шундай бахтли тақдир эгасидир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист,
Халқаро «Олтин қалам» танлови совриндори

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

«АДРИАТИКА» ЧЎКИБ КЕТДИ



Ўтган куни Яқин Шаркда кучли бўрон бўлди. Ў Сурия, Исроил, Фаластин каби бир нечта мамлакатлар иқтисодига жиддий зарар етказди. Аҳолининг уй-жойлари, машиналари денгиздан тошган сув остида қолиб кетди.

Исроилнинг «Гаарец» газетасининг ёзишича, бўрон пайтида «Адриатика» юк кемаси чўкиб кетган. Молдова байроғи остида ҳаракат қилаётган кемада 11 нафар экипаж аъзоси бор эди. Хабарда айтилишича, уларнинг ҳаммаси Украина фуқаролари. Кема чўккан пайтда экипаж аъзолари қутқарув кийимлари билан сувга тушишган. Кейин ёрдамга етиб келган Тайван юк кемаси уларни қутқариб олган.

Бўрон пайтида денгизда тўлқин 8-10 метргача кўтарилган.

БЮЛЛЕТЕНЛАР ҚАЙТА САНАЛАДИ

Молдовада яқинда бўлиб ўтган парламент сайловидаги бюллетенлар қайтадан саналади. «Новости-Молдова» ахборот агентлиги хабарига кўра, мамлакат конституцион суди шундай қарор қабул қилган.

Маълум бўлишича сайлов пайтида жуда кўп қонун бузилишларига йўл қўйилган. Аввалига Марказий сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенларини қайта санаш талаб қилинган. Аммо талаб қондирилмагач, конституцион судга мурожаат этилган.

Мамлакат конституцион суди раиси Дмитрий Пулберенинг таъкидлашича, сайлов бюллетенларини санаш пайтида ҳақиқатдан ҳам қонун бузилишига йўл қўйилган. Бир кун ичида бюллетенлар қайта санаб чиқилиши керак. Бу мамлакат хазинасига 1 миллион доллар зарар етказади.

ФУТБОЛДАН КЕЙИНГИ МОЖАРО

Иордания пойтахти Аммон шаҳри стадионидаги ур-йиқит пайтида 250 нафар томошабин, жумладан, 30 нафар полициячи жабрланди. Бу ҳақда France-Presse хабар тарқатди.

Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, ўйин тугагандан сўнг икки жамоа тарафдорларининг бир-бирига тош отиши ур-йиқитга сабаб бўлган. Полиция ишқибозларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ишлатишга мажбур бўлган. Ўйиндан сўнг бир неча автомобиль ва стадион яқинидаги дўконларнинг ойналари синган.

Ўша куни фаластинликлар ишқибозлик қиладиган «Ал-Ваҳдат» ва иорданияликлар мухлислик қиладиган «Ал-Фейсал» клублари ўзаро куч синашган эди.

НАРКОКАРТЕЛ ЙЎЛБОШЧИСИ ЎЛДИ

Мексиканинг Мичоакан штатига қарашли Апацинган шаҳрида полиция билан бўлган тўқнашув пайтида «Ла Фамилиа» наркокартели йўлбошчиси Насарио Морено Гонсалес ўлдирилди. France-Presse хабарига кўра, жангарилар унинг мурдасини ўзлари билан олиб кетишган.

Махсус амалиёт пайтида уч нафар маҳаллий аҳоли, уч нафар жангари ва беш нафар полициячи ҳам ҳалок бўлган.

Морено наркокартелнинг қидирувдаги энг фаол раҳбари эди. Мексика ҳукумати унинг яширинган жойи ҳақида маълумот берган кишига 2,4 миллион доллар мукофот ваъда қилганди.

Матбуот хабарларида айтилишича, Морена ўз сафдошларига ахлоқ кодексига ўхшаган қўлланма ёзган ва сафдошларидан гиёҳванд модда қабул қилмаслик ва уни Мексика ҳудудида тарқатмасликни сўраган. Унинг гуруҳи асосан АҚШга гиёҳванд модда етказиб бериш билан шуғулланган.

ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ АНИҚ

Жорий йилнинг июль ойида Аляскада ҳалокатга учраган С-17 ҳарбий-транспорт самолётининг порт-лаш сабаби маълум бўлди. CNN мухбирининг ҳалокат бўйича тузилган махсус комиссия хулосасига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, ҳалокат учувчилар хатоси туфайли рўй берган.

Комиссия аъзолари учувчилар ҳаво лайнерининг имкониятларини ҳисобга олмай фавқулодда ҳаракатлар қилганини аниқлашди.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли С-17 самолётининг ҳалокати туфайли 4 нафар экипаж аъзосининг барчаси ҳалок бўлган эди. Самолётнинг баҳоси 184 миллион долларни ташкил этади.

ЛОТИН АМЕРИКАСИ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Хитойнинг Sinopec нефть корпорациясига қарашли China Petrochemical компанияси АҚШнинг Occidental Petroleum нефть корпорациясининг Аргентинага қарашли активларини сотиб олиш бўйича шартнома имзолади. Reuters хабарида айтилишича, шартнома баҳоси 2,45 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Мухбирнинг ёзишича, ушбу шартнома Хитойнинг нефть ва газ қидириш учун Лотин Америкаси бозорига чиқишига имкон беради. Occidental Petroleum Аргентинадаги, жумладан, мамлакатнинг Санта-Крус, Мендоса ва Чубут поровинцияларидаги 23 та нефть қидириш ва қазиб олиш билан шуғулланадиган лойиҳаларда иштирок этади. 2009 йил якунларига қараганда, корпорациянинг Аргентинада 393 миллион баррел нефть заҳирасига эга бўлган конлари бор.

Лотин Америкасида рақобат ниҳоятда катта бўлмагани учун Хитой корпорацияси ривожланаётган мамлакатлардан, хусусан Аргентинадан нефть активлари сотиб олишга ҳаракат қиляпти.

Жорий йилнинг кузида Хитой дунёдаги энг йирик энергоистеъмолчи деб тан олинди.

ШАРҲ

Ўзбекистон — Қатар:
√ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСЛАРИ

Қатар — араб давлатлари орасида Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва ўзаро дипломатик муносабатларни ўрнатган давлат.

Жорий йилнинг 23-24 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қатарда бўлиб қайтди. Ташриф доирасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Баъзи манбаларда бу юртнинг номи «ёмғир томчилари» маъносини англатувчи «қатар» сўзидан олинганлиги айтилса, бошқа манбаларда у ўтмишдаги машҳур шоир Қатарий бин ал-Фужъа номига нисбатланади.

Қатар Форс кўрфази ғарбий соҳилининг марказий қисмида жойлашган ярим орол бўлиб, у қуруқликда Саудия Арабистони билан туташса, сув орқали Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайн билан чегарадош.

Умумий майдони 11,521 минг квадрат километр. Аҳолиси 2009 йил июль ойида чоп этилган статистик маълумотга қараганда 1 миллион 700 минг 374 кишидан иборат.

Ер юзаси чўл ландшафтли текислик бўлиб, мамлакатнинг ғарби ва шимолида унча баланд бўлмаган оҳак тошли ясситоғ ва тепаликлар, ўрта қисмида эса кўплаб қуриган ўзан, ариқ, ҳавза ва пасттекисликлар учрайди. Ёзи иссиқ, қиши илиқ, йиллик ёғин миқдори 125 миллиметрли, тропик иқлимли мамлакат. Пойтахти — Доҳа шаҳри. Ундан ташқари ал-Вакра, ал-Хор, Духхан, аш-Шимол ва Масъид каби нисбатан йирик шаҳарлари ҳам бор.

Давлат тили араб тилидир. Барча ривожланган мамлакатлар қатори бу ерда ҳам инглиз тили кенг ишлатилади. Пул бирлиги қатар риёли бўлиб, у 100 дирҳамдан иборат. 1 АҚШ доллари 3,65 қатар риёлига тенг.

18 декабрь — янги Қатар давлатининг асосчиси шайх Жосим бин Муҳаммад бин Соний 1878 йил ҳокимият тепасига келган кун. У ҳар йили миллий кун сифатида байрам қилинади.

Мамлакатнинг турли ерларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ноёб сопол буюм қолдиқлари Қатар заминида инсон милоддан аввалги IV минг йилликдан бери ҳаёт кечириб келаётганидан далолат беради. Шунга қарамай Қатар нисбатан янги тарихга эга — XIX асрдан бери Ол Соний оила вакиллари бошқариб келаётган мустақил суверен давлат ҳисобланади.

Қатар, шунингдек, дунёнинг йирик молиявий марказларидан бири ҳамдир. Иқтисодиёти асосан нефть, табиий газ ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ саноат соҳаларига таянади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида мамлакатнинг Шимол минтақасида дунёдаги энг катта газ кони топилгач, Қатар табиий газ заҳиралари бўйича жаҳонда иккинчи ўринга кўтарилди. 2006 йил мамлакат 25 миллион тонна суюлтирилган табиий газ экспорт қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 30 миллион тоннани ташкил этди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, бу ерда яқин келажакда табиий газ экспорти ҳажмини 60 миллион тоннага, кундалик нефть ишлаб чиқаришни эса шу йил охиригача 830 минг баррелдан 1 миллион баррелга етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Сўнгги йилларда Қатарда нефть ва газ тармоқлари билан бир қаторда қурилиш, молия, кўчмас мулк каби соҳалар бўйича ҳам сезиларли ўсишга эришилди.

Қатар дунёда иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради. 2007 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот бўйича энг юқори натижага эришилди. Жорий нархларда ҳисоблаганда ялпи даромад 258,6 миллиард қатар риёлига етиб, ўсиш кўрсаткичи 33,7 фоизни ташкил этди.

Мазкур мамлакатда Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари тарихига катта қизиқиш билан қаралади. Бу ердаги Ислом санъати музейида Ҳиндистон, Испания ва кўплаб бошқа давлатлардан келтирилган қадимий артефактлар, манускриптлар, қурол-аслаҳа намуналари, амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги буюмлари намойиш этилади. Музейдаги қимматли тарихий материаллар орасида Темурийлар даврига оид экспозицияга алоҳида ўрин ажратилгани диққатга сазовор.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан амалга оширилган расмий ташрифи алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон билан Қатар ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга мамлакатлар ҳисобланади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, айниқса, транспорт коммуникациялари, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш, савдо, сайёҳлик, юқори технологиялар каби йўналишларда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболи порлоқдир.

Қатар ишбилармон доиралари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон —Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билдирмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, гуманитар ҳамкорлик, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, спорт ва маданият каби соҳалардаги алоқаларга оид масалаларга катта умид боғланмоқда.

Бўлиб ўтган ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлатининг қўшма баёноти, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан «Қатар холдинг» сармоявий компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан «Қатар Петролиум Интернэшнл лимитед» компанияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон ва Қатар савдосаноат палаталари ўртасида Тадбиркорлар қўшма кенгашини ташкил этиш тўғрисида имзоланган қатор ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатарнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ,
шарқшунос

ХОРИЖ МАТБУОТИ

WELT (ГЕРМАНИЯ)

Экологлар талаби

Газета мухбири жорий йилнинг 7-9 ноябрь кунлари экологларнинг ядро чиқиндиларини мамлакатга олиб кирилишига қарши намойишида полициячилар 2190 та қалампир газлари ишлатганини таъкидлайди.

Бу маълумотни мамлакат ички ишлар вазирлиги Бундестаг депутати Улли Йельпкега унинг сўровига биноан тақдим қилган. Депутатнинг таъкидлашича, бунча кўп баллон газнинг ишлатилиши, полиция намойишчиларга нисбатан шафқатсизлик қилганига исбот бўлади. Шу муносабат билан бошқа бир депутат Эрвин Лоттер ички ишлар вазирига махсус хат йўллади. У ўз мактубида бундан буён номойишчиларга қарши инсон соғлиғига зарар етказмайдиган газдан фойдаланишни тавсия этди.

Газетанинг ёзишича, немис АЭСларидан чиққан 123 тонна ядро чиқиндиси Франциянинг La Hague заводида қайта ишланиб, мамлакатга олиб келинаётганда экологларнинг қаршилигига дучор бўлганди. Табиат қўриқчилари чиқиндини киритмаслик учун темир йўлларга ётиб олишди. Лекин полиция бунга жавобан қаттиқ чораларни кўрди. Шундай бўлса-да, чиқинди ортган поезд манзилига бир кун кечикиб келди.

THE WASHINGTON TIMES (АҚШ)

Ҳужжатга тузатиш киритиш керак

Газетада эълон қилинган мақолада айтилишича, стратегик қуролларни қисқартириш тўғрисидаги Россия-Америка шартномасининг ратификация қилиш чўзилмоқда. Бунга бир неча сабаблар бор.

Аввало, Сенат томонидан бу шартнома ратификация қилинадиган бўлса, АҚШнинг ракетага қарши тизим яратиш борасидаги ғоялари чиппакка чиқади.

Расмий Москва агар ҳужжат ратификация қилинмайдиган ва АҚШнинг Ракетага қарши тизими такомиллашадиган бўлса, шартнома ўз кучини йўқотишини айтиб ўтди. Бундан ташқари, Россия ҳукумати раҳбари Владимир Путин СНВ бўйича шартнома ратификация қилинмаган тақдирда, Европа ҳудуди яқинига янги ракеталар ўрнатилиши мумкинлигини таъкидлади. Аслида Россия аллақачон бунга тайёр. Чунки Москва анчадан буён ракеталарини модернизация қилишга зўр беряпти. Демак, ҳужжат ратификация қилинадиган бўлса, АҚШ ютқазади. Чунки, Обаманинг стратегик қуролларни модернизация қилиш тўғрисидаги ғояларини амалга ошириш учун вақт керак. Бундан ташқари, президент бунга кафолат берадиган ҳужжат имзоласин, деб ёзади газета.

Мақолада айтилишича, АҚШ томони ҳужжатга Ракетага қарши тизимнинг СНВга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида тузатиш киритиши керак.

HAARETZ (ИСРОИЛ)

Дўстона суҳбат

Газетанинг ёзишича, Фаластин маъмурияти бошлиғи Маҳмуд Аббос Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяхуга телефон қилиб, мамлакат шимолида рўй берган кучли ёнғин туфайли одамлар ҳалок бўлгани учун таъзия билдирган. Шу билан бирга, Фаластин йўлбошчиси биргаликда Яқин Шарқ ёнғинга қарши флотини тузиш таклифини ўртага ташлаган.

Дўстона руҳда ўтган суҳбатда Нетаньяху қўшнилар доимо бир-бирига ёрдам бериши кераклигини таъкидлаган.

Haaretz мухбирининг ёзишича, икки давлат раҳбари сўнгги бор Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш учун ўтказилган музокаралар пайтида учрашган эди. Бу музокаралар Исроил томонидан аҳоли пунктлари қурилиши қайтадан бошлангандан сўнг боши берк кўчага кириб қолганди.

Газетанинг ёзишича, Хайфа яқинидаги ёнғин пайтида 42 киши ҳалок бўлган, 17 минг киши ўз уйини ташлаб чиқиб кетган.

КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА (РОССИЯ)

Тиббий хизмат кўрсатиш бепул, аммо...

Газета мухбири Москва касалхоналарига Россиянинг турли худудларидан келган беморлар жойлаша олмай сарсон-саргардон бўлаётгани ҳақида ёзади. «Пойтахтдаги касалхонада даволанишга ётиш учун провинциялардан келганлар кунлаб навбатда туришга ва стулларда ухлашга мажбур бўлмоқда», — дейди муаллиф.

У шу муносабат билан волгоградлик аёлнинг Интернет сайтларидан бирида эълон қилинган қуйидаги гапларини келтиради:

«Соғлиқни сақлаш департаменти томонидан бир марталик талон талаб қилиниши оддий бюрократиядан бошқа нарса эмас. Ҳатто бу федерал қонунни бузиш ҳамдир. Чунки суғурта полиси бўйича фуқаролар Россиянинг исталган жойида даволаниш ҳуқуқига эга. Мамлакат конституциясининг 41-моддасида давлат ва муниципиал соғлиқни сақлаш идораларида тиббий хизмат бепул кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Шундай экан, тиббий ёрдам олиш учун мамлакат фуқароси бўлишнинг ўзи етарли. Аммо Москвада бош қонуннинг бу моддасига амал қилинмайди. Аҳоли бугун врачга эътироз билдирса, эртага уни умуман қабул қилмай қўйишидан қўрқади».

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

МАРИХУАНА ШОХИДАГИ ЎЙИНЧОҚЛАР

Германия полициясининг мамлакатнинг жанубида жойлашган Кобленц шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаронинг уйидан арча ўйинчоқлари билан безатилган икки метрлик марихуана бутасини топишди. Полиция вакиллари антигиёҳвандлик амалиёти чоғида бу «арча»га дуч келишди.

Марихуана топилган уй эгаси ўз «арча»сини Рождество байрамида янаям кўпроқ безашни режалаштирганини айтиб ўтган. Аммо у ниятига ета олмайдиган кўринади. «Арча»ни полиция мусодара қилди. Шу билан бирга, уй эгасига нисбатан яқинда жиноий иш қўзғатилади. Унинг уйи текшириб кўрилганда, 150 грамм қуритилган марихуана ҳам топилди.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Голландия прокуратураси Германия фуқароси Клаас Карел Фаберни қамоққа олиш бўйича умумевропа ордери берди. 88 ёшли Фабер иккинчи жаҳон уруши пайтида бир қанча жиноят содир этган. У ҳозир Германиянинг Ингольштадте шаҳрида яшайди.

Гаага прокурорининг баёнотида айтилишича, Фабер Голландияга топширилиши керак. Германия бир неча марта уни экстрадиция қилишни рад этган.

Sueddeutsche Zeitung газетасида ёзилишича, асли голландиялик бўлган Клаас Карел Фабер 1940 йили мамлакат нацистлар томонидан босиб олингач, ўз хоҳиши билан СС армиясига киради. Бундан ташқари, у «Пихта» номини олган жазолаш амалиётида ҳам иштирок этган. Ушбу амалиёт чоғида 54 киши отиб ташланган.

Урушдан сўнг Фабер қамоққа олиниб, Голландия суди томонидан 22 яҳудий ўлимида айбдор деб топилган ва отишга ҳукм қилинган. Кейинроқ эса ҳукм 22 йиллик қамоқ жазосига ўзгартирилган. 1952 йили Фабер қамоқдан қочиб Германияга яширинади.

АНТИКА РЕКОРД



Ўзларини «Торнадо» деб атовчи ҳинд ҳарбийлари мотоциклга кўп одам сиғдириш бўйича рекорд ўрнатишди. Банголор шаҳрида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган Royal Enfield Bullet Cl500 мотоциклига 54 ҳарбий миниб бир километрдан кўпроқ масофага юришга муваффақ бўлишди. Бу борадаги аввалги рекорд ҳам ҳинд ҳарбийларига тегишли эди.

IndianCarsBikes интернет сайтидаги хабарга қараганда, енгил автомобиллар ўртасида бу борадаги рекорд «УАЗ-469»га тегишли. Жорий йилда машина 32 киши минган ҳолда ҳаракат қилган.

Royal Enfield Bullet мотоцикллари 1931 йилдан 1955 йилгача Буюк Британияда ишлаб чиқарилган. 1955 йилдан бошлаб эса у Ҳиндистонда йиғилади.

Президентимиз Ислом Каримов оилага таъриф берар экан: «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналади. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчилик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонликдир», — дея таъкидлаган эди.

Оила мустаҳкамлиги — юрт барқарорлиги

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом оила вужудга келиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, оила маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларни тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди.

Оила қураётган ёшларга мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларнинг оила қонунчилиги асослари, соғлом турмуш тарзи, фарзандлар тарбиясига оид билимларни ошириш бугунги кунда ФХДЁ бўлими ходимлари зиммасида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда туман фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш бўлими томонидан никоҳланувчи ёшларни турмушга тайёрлаш мақсадида «Оила дорилфунуни», «Ёш оила мактаби» номли машғулотлар ташкил этилди. Унда ўтган давр мобайнида тумандаги коллеж ва лицейларнинг 900 нафардан зиёд ўқувчилари, шунингдек, ўнлаб никоҳланувчи ёшлар қатнашди.

Ўтказилаётган бундай учрашув ҳамда тадбирлар ранг-баранг мавзуларга бағишланди. Уларда Халқаро конвенциялар, Ўзбекистон Конституцияси, соҳага оид қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Оила Кодекси, тиббий маданият, соғлом оила, соғлом авлодни вояга етказиш бўйича ёшларга тушунтиришлар берилди.

Оилалар тинчлиги — мамлакат осойишталигининг гаровидир. Шундай экан, низоли оилаларга эътиборни кучайтириш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини юқори поғонага кўтариш, керак бўлса, амалий ёрдам кўрсатиш биз, ФХДЁ бўлими ходимларининг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Раҳима МАҲМУДОВА,
Каттақўрғон тумани ФХДЁ бўлими мудираси

АКС-САДО

Оталик фарзини унутмадингизми?

«Hurriyat» газетасидаги «Ота — уйнинг устуни» мақоласини ўқиб

Газетанинг шу йил 10 ноябрь сонида эълон қилинган "Ота — уйнинг устуни" мақоласини ўқиб чиқдим. Унда муаллиф Ҳидоят Юсупжонованинг "Мулоҳаза" рукни остида берилган фикр-мулоҳазалари кишини бир қадар ўй-хаёлга, мушоҳадага ундайди. Бу каби ҳаётий, ижтимоий-фалсафий чиқишларни барча ота-оналар, айниқса, оила боши саналмиш эр-йигитлар ўқиб хулоса чиқарсалар, нур устига аъло нур бўларди. Ушбу мақолада уйнинг устуни — отанинг фарзандлар тарбиясидаги масъуллиги, бурч-мажбуриятлари ҳақида гап кетади. Жумладан, муаллиф оталар оила боши сифатида ўз хулқи, феъл-атвори билан ўрнак бўлиши, "оила" дея аталмиш шоҳ асарнинг ижодкорлари — эр ва хотиннинг мавқеи хусусида тўхталади.

"Отангга раҳмат!" деган сўзга муносиб топилган фарзандни вояга етказган инсон учун бу эътирофдан ҳам кўра каттароқ мукофот бўлмаса керак. Бироқ кейинги пайтда айрим оталар оиладаги вазифасини бироз унутиб қўяётгандай, назаримда. Баъзан мунглиғ кўзида дард яширин ғўдакларга, ҳам ота, ҳам она фарзини адо этишга мажбур бўлган аёлларга дуч келасан, киши.

Маҳалламизда кўпдан бери учта қизи бор мушфиқ бир аёл истиқомат қилади. Бошқа аёлга ўралашиб қолган эри эса "Сен фақат қиз туғасан?" деган мантиқсиз баҳонани рўкач қилиб, беш йилдирки, соясини ҳам кўрсатмайди. Бирин-кетин туғилган фарзандлар онанинг нонтузи ва тарбиясида улғайишмоқда. Бир кўришда унинг юрагини кемираётган дарду аламларини, суянчсиз қоқилаётган дамларини ҳис қилиш қийин. Аммо ҳаётда аёллик бахтини, бекалик фароғатини деярли ҳис этмаган бу маъсума палахмон тошининг ана шу номард умр йўлдоши томон отилганидан афсусда. Энг муҳими эса... Тўғри, бу аёл фарзандларига ҳалол едириб-ичираётгандир, таълим-тарбиясига ҳам эътиборлидир, аммо улар учун ота ўрнини босолмаслиги аниқ.

— Қизларимнинг кўзи эшикка маҳтал, отасини кўришга умидворлар, — деди у бир гал суҳбат чоғида. — Айниқса, олти ёшли боламнинг саволларига жавоб тополмай қолганимда, ичичимдан эзиламан. Тунов куни кичкинам гўшакни кўтариб истаган рақамини босаверибди. Қарасам, бир нотаниш йигит билан боғланиб қолиб, "Дада, дадажон, мени танидингизми, қизингиз Севинчман" деб шошиб-пишиб гапиряпти. Югуриб бориб қулоқ тутсам, "Мени Севинч деган қизим йўқ, адашдинг, чоғи" деган овоз эшитилди. Қизчам гўшакни жаҳл билан қўйди-ю, "Ойи, дадам менга Севинч қизим йўқ, дедилар" деганча йиғлаб хархаша қила бошлади...

Отаси тирик бўла туриб ота меҳридан мосуво қизалоқнинг гуноҳи нима? Шабнамдек соф фарзанд қалбида ўксик бир ғамни ғўдаклигидаёқ ҳис эттиришга, подшолик даврининг унутилмас лаҳзаларини аллақандай бераҳм хотираларга қориштиришга қайси номақбул эркакнинг ҳаққи бор, ахир?!. Етти ёт бегоналарнинг эътиборига тушган, меҳр-мурувватига сазовор бола ўз падарини қумсаб, излаб, соғиниб яшаши адолатсизлик эмасми?!. Наҳотки, бу гуноҳи азимни бўйнига олган "ота", "эр" номли йигитлар номаҳрам жувоннинг васлига қул бўласа.

Ривоят қилишларича, юнон файласуфи Суқрот ўз уйида шогирди билан суҳбат қуриб ўтирганида хотини келиб, унга турли хил саволлар бера бошлабди. Файласуф одатдагидек хотинига ҳеч нима демабди. Тоқати тоқ бўлган аёл эса тоғорада сув тўлдириб, эрининг устига сепиб юборибди. Шунда Суқрот гўё ҳеч нарса бўлмагандай сўзида давом этиб, "Табиатнинг изчиллигини қаранг, момақалдироқдан сўнг ёмғир ёғиб кетди" деган экан. Бу бир ривоят, албатта. Аммо унда эрнинг оиласига нисбатан мувозанат сақлай билиши, ҳурмати ўз аксини топган.

Пайғамбаримиз Расули алайҳиссалом ҳадисларида ҳам "Аҳли аёлларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, уларни ёмон одамларгина хору зор қилур", дея келтирилади. Айрим оталар борқи, оиладаги ўз ўрни мукаммаллигини тўлиқ ҳис этмайди. Яъни, улар учун рўзғорни бут қилиш, болаларни кийинтириш, ўқув қуроллари билан таъминлашнинг ўзи кифоя. Фарзандининг маънавий камолоти ҳақида бош қотиришдан кўра, оила даврасида жангари фильмлар томоша қилишу турли меҳмондорчиликларни маъқул кўришади. Баъзан ҳатто ишламасдан аёлининг топганига қаноат қилиб, ора-орада уни уй юмушларига улгурмаганликда айблаб ёхуд "ғурур талашиб" можаро чиқарадиганлар ҳам учраб туради. Бу тарзда оила бекаси фарзанди тарбияси билан қачон машғул бўлади, қай бир вазифани бажаришга улгуради, деган савол кишини ўйга толдиради. Айнан мана шу аҳволга тушиб қийналаётган яқин бир дугонамни доимо бир ташвиш билан югуриб-елиб юрганига гувоҳ бўламан. Унинг айтишича, якка-ю ягона фарзандининг соғлиғи, яшаш шароити отасини умуман қизиқтирмайди. Барчасига бир ўзи камарбаста бўлсада, ҳамиша эридан дакки эшитаверади.

Албатта, юқоридаги мулоҳазаларимиз билан биз барча оталар ҳақида бир томонлама фикр юритишдан йироқмиз, асло. Аслида ёнверимизда аҳл ва баҳамжиҳат оилалар бисёр, мард ва оилапарвар оталар кўплаб топилади. Демоқчи бўлганимиз, ана шундай ғамхўр, меҳр-оқибатли, жонкуяр ва фидойи оила бошилар сафи янада кенгайсин, оталар уйимизнинг ҳақиқий устунларига айлансинлар.

Шоира ШОМУРОДОВА

ДЕПАРТАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

ҲУЖЖАТСИЗ МОЛЛАР

Яқинда Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Юнусобод туманида фаолият юритувчи «Univer broke Konsalting» МЧЖда текширув ўтказилди. Департамент ходимларига пешвоз чиққан жамият раҳбари Н.Табаров ҳозирда ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаслигини, умуман ҳужжатларнинг ўзи таг-туги билан йўқлигини афсус билан маълум қилди. Аслидаям шундай бўлиб чиқди. Чунки Хитойда ишлаб чиқарилган «Оскар» русумидаги 245 та велосипед юртимизга яширинча олиб келинган экан.

Тафтиш чоғида «Univer brobke Konsalting»нинг мансабдор шахслари томонидан 3 ой давомида биргина улгуржи савдо фаолиятидан тушган маблағлар яширилиши натижасида давлат бюджетига 13 миллион 151 минг 200 сўм миқдоридаги ягона солиқ тўлови тўланмагани, жами 3 миллиард 876 миллион сўмлик товарлар эса сақлаш ёки реализация қилиш жойларида йўқлиги фош бўлиб қолди. Ҳужжатсиз маҳсулотлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Қонунбузарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилди.

Шавкат УСМОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси тафтишчиси

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ОЛТИНИ ҚАЛБАКИ!

Дилфуза Нуртаева Олой бозори ҳудудидаги «Антуан голд» МЧЖга қарашли дўкондан бир дона тилла узук, бир жуфт тилла зирак ва икки дона сариқ металдан ясалган заргарлик буюмини 854 минг сўмга сотиб олди. Аммо уйига келди ҳамки, кўнгли безовта бўла бошлади. "Шунча пулга қўйиб қолмадимми?", деган ўй унга тинчлик бермади. Шу боис, у харид қилган заргарлик буюмларини Республика Марказий банки ҳузуридаги Давлат асллик даражасини белгилаш палатасига экспертиза қилиш учун топширди.

Кўнгли бежиз безовта бўлмаган экан. Натижалар қониқарсиз чиқди. Экспертлар хорижда ишлаб чиқарилган 3,22 граммлик тилла узукнинг тамғаси қалбаки, 7,46 граммлик бир жуфт зиракнинг тамғаси эса умуман йўқлигини аниқлашди.

Шундан сўнг «Антуан голд» МЧЖга қарашли дўкондаги барча заргарлик маҳсулотлари экспертизадан ўтказилди. Маълум бўлишича, умумий баҳоси 609 миллион сўмлик 1048 дона турли тақинчоқлар қалбаки ёрлиқлар ёки сохта проба тамғалари билан савдога қўйилган экан.

Текширув давомида корхонанинг бошқа яна кўпгина қинғир ишлари фош этилиб, ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди.

Дилмурод МАМАТҚУЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси тафтишчиси

«УЛУҒ САВДО»НИНГ ПАСТ ИШЛАРИ

Б.Каримбердиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) янги корхона очиб, яхши ниятлар билан номини «Улуғ савдо» қўйди. Лекин унинг кейинги ишлари «улуғ»лик мақомига ҳеч ҳам тўғри келмади.

Корхона раҳбари ҳамтовоғи Х.Собиров билан биргаликда ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали жиноий даромад орттиришди. Жумладан, пул маблағларига бўлган эгалик ҳуқуқини яшириш орқали аслида корхонага дахли бўлмаган 45 нафар фуқаро номига Халқ банкидан пластик карточкалар очтиришди ҳамда уларга пул маблағларини кўчириб, нақд пулга айлантириб олишди.

Бундан ташқари, «Улуғ савдо»нинг мансабдор шахслари 4 миллиард 252 миллион 470 минг сўм миқдоридаги даромадни ҳисоботларда кўрсатмаслик орқали давлат бюджетига 1 миллиард 403 миллион 315 минг сўм ягона солиқ тўловини ҳам тўлашмаган.

Бугунги кунда ушбу қонунбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Бекзод САЛИМЖОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

СЎНГГИ ПУШАЙМОН — ЎЗИНГГА ДУШМАН

Чилонзор тумани Арнасой кўчасидаги автомобиллар тўхташ жойида ноқонуний валюта олди-сотдисига қарши тезкор тадбир ташкил этилди. Шу куни чет эл валюта савдоси билан анчадан буён, давомли равишда шуғулланиб келаётган асли марғилонлик М.Шукуров фуқаро Улашовга 4000 АҚШ долларини 9 миллион 320 минг сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди.

Якунда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлган қонунбузар қилмишидан пушаймон бўлиб, бошқа бундай ҳаракат қилмасликка ваъда берди. Афсуски, пушаймонлик қонун олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди...

Зиёвуддин АЪЗАМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

ТЕГИРМОН ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

ЮКСАК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Тарихчиларнинг шаҳодат беришларича, инсоният бошоқли дон экинларини ўн беш минг йилдан буён етиштириб келади. Ибтидоий одамлар дастлаб нон пиширишни билишмаган, улар донларни бутунлигича қовуриб ёки қайнатиб истеъмол қилганлар. Илк неолит даврига келиб эса ёрғучоқлар кашф қилинган. У вақт ўтиши билан бирмунча такомиллашиб, қўл тегирмонига айланган.

Қўл тегирмони устма-уст қўйилган иккита думалоқ ясси тошдан иборат бўлиб, бу тошларни қўл билан айлантириб, ун тайёрлашган. Хамирни чўғда қуйдириб — кўмоч, қиздирилган тошга ёпиб — тобанон пиширилган. Айрим тоғликлар ҳозир ҳам тобанон пишириб ейишади.

Ҳозирги бўрсилдоқ нонлар кулолчиликнинг келиб чиқиши, тандирнинг кашф этилиши ва хамиртурушнинг яратилиши билан боғлиқ. Албатта, бу кашфиётлар инсоният цивилизациясида ўзига хос ўринга эга. Улар қатори одамзот тафаккури, ақл-заковатининг яна бир маҳсули — сув тегирмони неча минг йиллар давомида инсониятга яқин кўмакдош бўлиб келган.

Эрамиздан аввалги I асрда ихтиро қилинган сув тегирмонларининг барча жиҳозлари қўлда, табиий материаллар — ёғоч ва тошдан (бирорта ҳам темир, мих ишлатилмай) ясалади. Қувват манбаи — сув. Бунда сувнинг бир томчиси ҳам камаймайди, аксинча таркиби яхшиланади, тозаланади. Салбий қувватдан халос бўлади. Тегирмон сувининг шифобахшлигини айтмайсизми?! У нафас сиқилиши касаллигига даво. Тағин момоларимиз ой-куни яқинлашган аёлларга туғруқ пайтида қийналмасликлари учун тегирмон сувини ичиришган.



Сув тегирмони дўла, коса, шақилдоқ, тош, гупчак, нов ва парракдан иборат бўлади. Новдан тушаётган сув парракка урилиб, тегирмон тошини ҳаракатга келтиради. Шундан сўнг, тегирмон тошига тегиб турадиган ёғоч косани тебратади. Дўладан тушаётган дон косанинг тебраниши натижасида тегирмон тошининг чуқурчасига тушади. Тош айланиб донни эзади, унга айлантириб хоммага тўплайди. Хомма ун билан тўлганда, тегирмон тўхтатилиб ун олинади. Тегирмоннинг пастки тоши қаварик, устидагиси ботиқ бўлиб, икки тош ўртасига дон тўкилиб эзилади. Тегирмонни ҳаракатга келтириш учун тушаётган сув етарлича баландликдан парракка куч билан урилиши талаб этилади. Тоғ дарёларида сувлар баландликдан пастга оққани учун бу муаммо эмас, бироқ текис жойларда сунъий равишда баландлик ҳосил қилиниши талаб этилади.

Очил ТОШҚУЛОВ,
журналист

Кимки комил бўлғай ғафлат анга ёт

Инсон ҳаёти давомида комилликка, ўзлигини англашга интилади. Аммо бу пиллапояга эришиш учун турмушнинг турли синовларини енгмоғи, маърифат зиёсидан баҳраманд бўлмоғи лозим.



Кўпчилик ўзининг ҳаёт кечириш сифати ички дунёсининг ҳолати ва баркамоллик даражасига чамбарчас боғлиқлигини англаб етмайди. Бу унинг ўзига берилган беқиёс имкониятлардан фойдаланмаслиги билан баробардир. Чунки инсон ўз шахсини баркамоллаштириш имкониятларини онгли равишда ишга солмасдан, ички дунёсига эътибор бериш асосида ҳаётий фаолиятини ижобийлаштирмасдан ҳаётини яхши томонга ўзгартиришнинг иложи йўқ. Шу ўринда инсоният келажагини белгиловчи қуйидаги иккита ҳолатни мушоҳада қилиб кўрайлик.

Улардан биринчиси — бу умуминсоний қадриятлар ва шахсий ҳаётининг мақсад ва мезонларига мувофиқ ўзини доимий баркамоллаштириш бўлса, иккинчиси ўзини ижобий ўзгартирмаслик оқибатида тобора жадаллашиб бораётган ҳаётий жараёнлар талабларига жавоб бера олмасликдир. Сифатсиз яшаш тарзи охир-оқибат маиший инқирозга олиб келади.

Инсон ўз ҳаётини ўзгартириш имкониятига эга қилиб яратилган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Табиатда ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур,

деган сўзлари айнан онгга боғлиқлиги билан қимматлидир.

Халқимизда "қотиб қолган одам" ибораси кўп ишлатилади. Бундайлар дунё ҳодисалари ва ҳолатлари ҳақида ўз тасаввурларига ўрганиб қолишгани боис уни холис таҳлил этишга ожиз. Ҳаётий ҳолат ва жараёнлардан фақат ўзларининг англаш даражасига мосларини қабул қилган ҳолда бошқаларини рад этишади. Бу инсоннинг энг катта фожиасидир. Бундай ҳолат ҳақида улуғ мутафаккир Жалолиддин Румий шундай деганлар: *"Агар ҳар бир кўринган нарса кўрингани каби бўлсайди, жуда ўткир ва зийрак кўзлар соҳиби Пайғамбар: "Нарсани менга бўлгани каби кўрсат"*, — дея фарёд этмасди".

Инсон шахсининг ўзгариши унинг ички дунёсини чеклаб турувчи қараш ва эътиқодларни янгилаш, тўлдириш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Биз ўз дунёмизни ўзимиз яратамиз ва шу туфайли уни ўзгартириш ҳам ўз қўлимизда! Инсон ўзининг ва бошқаларнинг салбий сифатларини билиши ниҳоятда муҳим. Салбий сифатлар эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг асосида инсоннинг турли масалаларга оид муносабатлари, ўй-фикрлари, ғоя ва қарашлари, яъни унинг англаш даражаси ётади.

Мутахассислар фикрича, инсоннинг ҳақиқий моҳияти у яшаётган моддий оламга ва унинг жисмоний танасига тегишли эмас. Инсоннинг ўзини ўзи бошқариш борасидаги ҳозирги ожизликлари, аввало, унинг ўзининг ички метафизик дунёсини билмаслиги билан изоҳланади. Шу туфайли эркин ҳаёт кечиришнинг биринчи талаби сифатида "Ўзингни англа!" мазмунидаги шиор келтирилади.

Ҳазрат Румий *"Инсон буюк бир мўъжиза, унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди"*, дея уқтиради. Таниқли руҳшунослардан бирининг таъкидлашича, кўпчилик ўз ҳаётида йиллар давомида ички кучланишлар, руҳиятнинг кескин пасайиши, қўрқув, қаҳр-ғазаб, тушкунликка тушиш сингари кўплаб руҳий ҳолатларни бошдан кечириб азобланади. Шунга қарамасдан, улар ҳамма ишлар жойида деб ишонишади. Шу ўринда савол туғилади: хўш, нега инсон ўзининг ва ўз яқинларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида руҳият ҳақида энг оддий билимларни ўрганмайди? Нега аксарият кишилар шундай билимсизлик ҳолатида бўла туриб, "Биз ўзимиз тўғримизда ҳамма нарсани биламиз", деб ўйлайди. Аслида барига ўзимиз ҳақимизда ҳеч нарсани билмаслигимиз бош сабабдир.

Маълумки, инсоннинг турли масалаларга ёндашуви ва муносабатлари дунёқарашида намоён бўлади, унинг ақл-заковати, ўйлаш механизми орқали рўёбга чиқади. Ақл ҳар қандай — ижобий ёки салбий ўй-фикрлар энергиясини атроф-дунёга таратиб туради. Ўй-фикрга худди ўз-ўзидан ҳаракатланиши мумкин бўлган восита сифатида ёндашиш лозим.

Инсон ўй-фикрларининг моддийлашуви ҳақидаги хулосалар шу соҳанинг мутахассис-олимлари асарларида ва диний таълимотларда кўрсатиб берилган. Шунга кўра ҳаёт оддий — нимани берсак, шуни оламиз, нимани эксак, шуни ўрамиз. Биз ҳаётимиздаги барча ҳодисалар қатори энг яхши ва энг ёмон воқеаларнинг юз беришига ҳам ўзимиз сабабчи. Ҳозирги ҳар бир ўй-фикримиз келажакка тегишли воқеа-ҳодисаларнинг юз беришига сабаб бўлиб, муайян воқеликни юзага келтиради. Инсон ўй-фикрларини ўзи шакллантиради.

Ҳар қандай хасталик — бу нотўғри ўй-фикрлар, қарашлар ва муносабатлар натижасидир. Афсуски, амалдаги тиббиёт тизимида касалликни келтириб чиқарувчи бундай сабабларга етарли даражада эътибор берилмайди. Фақат касалликнинг оқибати бўлмиш аломатлари ва оғриқлари доридармонлар билан даволанади. Кўплаб ўй-фикрларимиз ва ёндашувларимиз ўз моҳиятига кўра, салбий хусусиятларга эга. Масалан, муқаддас битиклларда инсондаги кибру ҳаво бадном бўлишига, қобиллик эса доноликка олиб келиши ҳақида фикр билдирилган.

Ҳар бир инсон ҳаётдаги ўрни, бурч ва вазифалари борлиги билан қадрлидир. Масалан, Навоий бобомиз асарларида баркамол инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири ватанпарварликдан иборат бўлмоғи лозим, дейди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод орзуси" асарида шундай пурмаъно сўзларни ўқиймиз: *"Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқатвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз"*. Бундан кўриниб турибдики, инсон баркамоллиги юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шундай экан, юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласи моҳияти ва ижтимоий-маънавий жиҳатларига кўра ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди. Зеро, бу мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши юксак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевордир.

Шерзод БЎТАЕВ,
профессор

НОМОДДИЙ ҚАДРИЯТ

Бугун бир ҳақиқатни жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирдек эътироф этишяпти. Инсоният тобора жисмонан заифлашиб, нимжон бўлиб бормоқда. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Янгидан-янги касалликларнинг пайдо бўлиши, табиат инъомларидан нооқилона фойдаланишнинг аччиқ оқибати ўлароқ экологиянинг кескин ёмонлашуви... Энг асосий сабаблардан яна бири — фан ва технологиянинг ривожланиши ва шунинг баробарида компьютер ўйинларининг ёшлар ҳаётидан муқим жой олиб бораётганидир. Соатлаб виртуал ўйинлар ичида «сузиб юрган» боланинг жисмоний ҳаракат қилишига, шу йўл билан ўзини чиниқтириб боришига вақти бўлмаслигини тушуниш эса у қадар мушкул эмас.

Қулоқчўзма қандай ўйин?

XXI аср — фан ва технологиялар асри. Лекин бу зинҳор виртуал ўйинларга муккасидан кетиш керак, дегани эмас. Шу боис, "оммавий маданият" ниқоби остида ўзининг манфур башарасини намоён этаётган бузғунчи кучларга қарши курашиш, уларни ёшлар онгини заҳарлашига йўл қўймаслик бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда бизга, айниқса, миллий қадриятларимиз сирасидан бўлган миллий ўйинлар ёрдамга келади. Ота-боболаримиз кўп асрлардан бери ўйнаб келган қулоқчўзма ўйини шулардан биридир.

Хўш, қулоқчўзма қанақа ўйин, унинг болалар соғлиғи ва тарбиясида тутган ўрни қандай? Айтиш жоизки, бу ўйин қадимда тўй-маъракаларда, байрамларда асосан ўсмирлар томонидан ўйналган. Катталар уларни олқишлаш баробарида ҳакамлик қилиб туришган. Хуллас, ўйин қуйидагича кечади: ҳакам совринни эълон қилгач, қўлидаги рўмолчани қурга отади. Тугун ўртага келиб тушиши ҳамоно ҳамма унга ёпирилади. Ким рўмолчани қўлга киритса, барча ўша боланинг қулоғидан тортиб, қўлидагини олишга ҳаракат қилади. У эса қочиб қутулиш имкониятини чамалаб кўради, мабодо бунга кўзи етмаса, рўмолчани шеригига беради ёки четга улоқтириб юборади. Шу тариқа рўмолча қўлдан-қўлга ўтаверади...

Қулоқчўзма ўйини бир қарашда американча футбол — регбига жудаям ўхшаб кетади. Бу кишида бугун жаҳон миқёсида ўйналаётган спорт турлари дунё тамаддуни бешигини тебратган аждодларимиз ақлу заковатининг маҳсули эмасмикан, деган умидбахш туйғуларни уйғотади. Буни тадқиқ этиш олимларимиз ҳукмига ҳавола. Ҳар ҳолда шундай бўлиб чиқса, Ватанимиз шаъни ва отаболаларимиз тафаккури яна бир бор эътироф этилган бўларди.

Қулоқчўзма ўйини кўпкарига ҳам бироз ўхшайди. Лекин фарқли томонлари ҳам мавжуд. Масалан, кўпкарида чавандоз улоқни маълум қурга олиб келиб ташлайди. Аммо қулоқчўзмада якун сал бошқачароқ кечади. Ўсмирлардан энг кўп куч-қувват, тиришқоқлик ва матонат талаб этиладигани — қулоқчўзма ўйинининг сўнгги босқичидир. Бунда тугунни ҳеч кимга бермай майдон ўртасига ўрнатилган устунга ўрмалаб чиқиш ва уни ғолибона тарзда барчага кўрсатиш талаб этилади. Қолган болалар оёқдан, шимдан, этақдан маҳкам ушлаб пастга тортиб турганида бунга эришиш жудаям қийин, албатта. Бу вазифани уддалай олган ўсмиргина мусобақа ғолиби деб топилади ва совринга сазовор бўлади.

Шу ўринда, бир қатор миллий ўйинларимизни ёшларга қайтаришда атоқли ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг хизматлари катта бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, ёзувчи ўзининг "Қулоқчўзма" ҳикоясида деярли унутилаёзган мазкур ўйин қоидаларини ипидан игнасигача батафсил тушунтириб берган. Бу билан у бебаҳо ўйиннинг оммалашишига ҳисса қўшган.

Хуллас, қулоқчўзма ўйини болаларни зийракликка, чаққонликка, қийин вазиятдан чиқиб кетишга, тадбиркорликка ўргатиши билан ҳам аҳамиятлидир. Унда чиниққан ўсмир соғлом, билаги кучга тўла ва бақувват бўлиб, кейинчалик ҳаётда ўз йўлини топа олади. Турмуш синовларида довдираб қолмайди. Ҳар бир хатти-ҳаракатини чуқур ўйлаб ва мулоҳаза юритиб амалга оширади. Шу боис, жойларда қулоқчўзма ўйини бўйича мусобақалар ўтказилса, уларни номоддий қадриятларимиз қаторида болалар спорти ўйини тариқасида замонга мослаштириб тарғиб этилса, яхши бўларди.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Бузуржмеҳр

Бир гуруҳ ҳинд ҳакимлари бир мажлисда Ануширвоннинг машҳур донишманд вазири Бузуржмеҳрнинг камолотини таъриф ва тавсиф қилиб, унда бор-йўғи бир айбдан бошқа айб топа олмадилар. Бузуржмеҳр бир масала ҳақида сўзларкан, тўхтаб-тўхтаб, бир оз ўйлаб сўнгра сўзини давом эттирарди. Унинг бу иши тингловчининг анчагина вақтини оларди.

Бузуржмеҳр ҳинд ҳакимлари томонидан ўзига қўйилган мана шу биргина айбни эшитиб деди:

— Аввал «нима сўзласам экан?» деб ўйлагандан кейин сўзлаш — «бу номаъқул сўзларни нега сўзладим?» деб пушаймон қилишдан кўра яхшироқдир.

«Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобидан

ИШҚ ФАЛСАФАСИ

БАДИА

Муҳаббат аталмиш туйғу қалбингга меҳмон бўлдими, тамом, фикру ёдинг бегоналашади. Қани, энди, ақлинг йўриғингга юрса. Фойда-зиён у ёқда турсин, юрган йўлингни, ҳатто ўзингни унутасан. Олам фақат битта рангда, яъни муҳаббат рангига бўялгандай туюлади. У қанақа ранг дейсизми, сўз билан таърифлаб бўлмайди. Фақат муҳаббат дардига чалинганлар билади. Сен ошиқ бўласану, ҳеч нарсани англамай қўясан.

Куч-қувватга тўлиб, орзуларинг қанот боғлаган чоғда йўлингда муҳаббат учради. Ҳамма ўй-хаёлларинг бошқа ёққа бурилиб кетди. Энди сенинг энг катта орзуинг унинг бир нигоҳи, бир ширин лутфидан баҳраманд бўлишдир. Афсуски, баъзида лаҳзалик нигоҳ ҳам сенга насиб қилмайди. Кеча-кундуз фақат унинг хаёли билан яшайсан. Муҳаббат шундай туйғуки, жонга жафо қилади. Унинг озордан бошқа нарсаси йўқ.

Баъзида шунчаки кўнгил қўйишлар ҳам муҳаббат деб тушунилади. Кўпинча икки севишганнинг муносабатлари ҳеч қанча вақт ўтмасдан оддийгина кўникмага айланиб қолади. Буни севишиб турмуш қурганлар мисолида айтиш мумкин. Гоҳида одам ўйлаб қолади: у сенга интилса-ю, сен унга интилсанг, кўнгил фароғат топмайдими? Ё арзон муҳаббатга айланиб қоладими ёки олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми? Муҳаббатга ҳамиша тўсиқ керакми? Шундагина чўғдай оловланиб турадими? Икки дилнинг бир нуқтага келиши ўша чўғнинг ўчишими ё?

Тўғри, балоғат ёшига етган ҳар бир йигит-қизнинг юрагида ғайриоддий ҳислар тўлқини вужудга келади. Бу тўлқинлар кимнингдир қалбида оҳиста тебранади, кимдадир тўфон бўлиб дунёни остин-устун қилгиси келади.

Ёшлик баҳори ажиб нарса. Ёшликда бир-бирини яхши кўриш ҳиссиёти уйғонади. Мен бекорга яхши кўриш ҳиссиёти демаяпман, чунки кимдир кимнингдир қоши-кўзини, одоб-ахлоқини, обрўси-ю, бойлигини яхши кўриб қолиши мумкин. Одам зоти борки, эҳтиёжига қараб ҳаёт тарзини танлайди. Масалан, йигит қайси қизни танласа, ҳаётда қийналмай яшаб кетади? Ёки қизнинг ота-онаси ёқтирмаса нима бўлади? Икки томонда ҳам наслдан-наслга ўтадиган ирсий касалликлар йўқми деб чуқур суриштирилади. Қиз, аввало, йигитнинг жамиятдаги ўрнига, топиш-тутишига қизиқади. Тўғри-да, эртага оиланинг ҳамма иқтисодий муаммолари ўзининг бошига тушиб қолса нима бўлади? Рўзғор аравасини икки киши тортиши керак-да! Омма орасида худди шундай турмуш қурувчилар ҳақида сўраб-суриштириш одат тусига кирган. Ҳаёт тарзи ўз-ўзидан шунга мажбур этади. Бу — ўз номи билан танлаш дейилади. Шу танловни ишқ деса бўладими?

Ҳақиқий ошиқ қандай бўлади? Ёрнинг жамоли унга нима манфаат келтиради?

... Ҳа, ақлим бўлса, озорларингни севармидим. Сочингдан то тирноғинггача таваллолар қилармидим? Жисмимдаги ҳар бир зарра сен томонга талпинишини нима деб атай? Муҳаббатми?

Менга шундай ишқ насиб этгани учун Яратганга шукурлар қиламан.

Барно РУСТАМОВА

БАҒРИКЕНГЛИК

Бир оила фарзандларидай

Ўзбекистон азалдан инсонийлик ва бағрикенглик тимсоли бўлиб келган. Зеро, Буюк ипак йўли муқаддас диёримиздан ўтганлигининг ўзи ҳам халқимиз тарихан меҳр-мурувватли, саховатли ва бағрикенг бўлганидан дарак беради. Бугунги кунда ҳам ана шу табаррук заминда туғилиб, камолга етган турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани юксак эътирофга муносибдир.

Мамлакатимизда бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга, жамиятда бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ташкилотлардан бири Республика байналмилал маданият марказидир. У ҳозирги пайтда юртимизда фаолият юритаётган 150 га яқин миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Миллий маданий марказлар фаоллари давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис қилиб турибдилар. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, сенаторлар, таниқли давлат ва жамоат арбоблари бор, — дейди биз билан суҳбатда Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Мустақиллик йилларида 24 миллат фарзандлари бўлган 80 нафарга яқин миллий маданий марказлар фаоллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Ҳозирга қадар марказ томонидан умуминсоний қадриятларни тарғиб этувчи 100 дан зиёд илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Республикамизнинг барча вилоятлари, қатор шаҳар ва туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида «Биз — бир замин ва бир замон фарзандларимиз», «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили», «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» шиорлари остида ўтказилган семинарлар, «Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт омили», «Ўзбекистон Конституцияси: ҳуқуқ, бурч ва масъулият», «Миллий ғоя ва миллатлараро тотувлик масалалари» каби мавзулардаги илмий-амалий анжуманлар шулар жумласидандир. Шуниси қувончлики, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда 20 га яқин илмий рисола ва тўпламлар, шу жумладан, истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларни ўзида акс эттирувчи «Ўзбекистон — бағрикенг диёр», «Ўзбекистон — умумий уйимиз» альбом-китоблари, «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати», «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мақолалар тўпламлари нашр қилинди. Айни чоғда, турли тилларда чоп этилаётган даврий матбуот нашрлари, шунингдек, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар мавжудлиги кўп миллатли халқимизнинг маънавий қиёфасини дунёга намоён этмоқда.

Марказ томонидан миллий урф-одат ва анъаналар, маросимларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Бу халқларни янада яқинлаштиришга, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Турли халқлар ва миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, айниқса, байрамларда, ўлкамизнинг барча ҳудудларида нишонланаётган тантанали маросимлар ва сайилларда ўзининг бор жозибаси билан намоён бўлаётгани дилларга сурур бағишлайди. Улар бундай кунларда турли либослар, турли тиллар ва турли оҳангларда ўзларининг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини ифода этадилар. Айни шундай лаҳзаларда Ўзбекистон ҳақиқий дўстлик ва биродарлик бўстони сифатида ҳар қандай кузатувчининг ҳайрати-ю ҳавасини келтиради. Масалан, Қрим давлат индустриал-педагогика институти ректори Февзи Ёқубов бу ҳақда шундай ёзади: «Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳақида гапирганда, одатда Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Франциянинг маданиятга, Германия ва Американинг техникага қўшган ҳиссаси тилга олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, тинчлик, яқинларига меҳр-муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди».

Мисрдаги етакчи нашрлардан бири бўлган «Ал-Ахбор» газетаси «Ўзбекистондаги миллатлараро тинчликни таъминлаш модели энг юксак баҳога лойиқ. У араб дунёси учун яхши намуна бўлиши мумкин», деб ёзса, «Диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик бобида Ўзбекистон Франция учун ҳам намуна бўла олади», дея таъкидлайди Франция парламенти қуйи палатаси — Миллий Ассамблея депутати Этьен Пинте.

Бундай самимий дил сўзларини яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатимизда кейинги йилларда миллатлараро тотувлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Миллий маданий марказлар ўзларининг ташкилий, маънавий-маърифий фаолиятларини Бош Қомусимиз — Конституцияда белгилаб берилган тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган эзгу ниятлар негизида амалга оширишмоқда. Бу фаолият миллий маданиятимизни умуминсоний қадриятлар билан бойитиши баробарида, жаҳон халқлари ўртасида Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири

СПОРТ

УЛОҚ-КЎПКАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Қизилтепа туманида Баркамол авлод йилига бағишлаб улоқ-кўпкари бўйича мусобақа ўтказилди. Унда барча вилоятлардан келган чавандозлар ғолиблик учун куч синашди.

Замонавий улоқ-кўпкари қоидалари асосида ўтказилган муросасиз баҳсларда мезбонлар ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Бухоро, Сирдарё ва Наманган вилоятлари чавандозлари эгаллашди.

МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Бухоро вилояти Олот туманидаги ихтисослашган олимпия захиралари спорт мактаб-интернатида дзюдо бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Қизғин ва муросасиз кечган беллашувларда ўз вазн тоифаларига кўра, Қаҳҳор Темиров, Сухроб Турсунов, Суюндиқ Жумаев, Абдужалил Юсупов (Тошкент вилояти), Абдурауф Муҳиддинов, Азамат Баҳодирзода (Тошкент шаҳри), Учқун Қурбонбоев, Зарифа Султонова, Мунира Султонова, Турсунпошша Нуртемирова, Қундуз Йўлдошева (Хоразм), Ғофур Актамов (Навоий вилояти), Достон Шаропов (Андижон вилояти), Шаҳноза Омонова, Диёра Келдиева, Ситора Баротова, Шаҳноза Усмонова (Самарқанд вилояти), Дилноза Сафарова (Қашқадарё вилояти), Шаҳинабону Жаксимуратова (Қорақалпоғистон Республикаси) ғолибликни қўлга киритди.

ЯНГИ РЕКОРД

АҚШда хоккей учрашувларга мухлислар йиғиш бўйича рекорд кўрсаткич қайд этилди.

NCAA студентлар лигасида иштирок этаётган Мичиганнинг икки жамоаси — «Университет Мичиган» ва «Штат Мичиган» ўртасидаги баҳсни 113 минг 411 нафар ишқибоз бевосита майдонда томоша қилган. Бу ҳақда мазкур лиганинг расмий сайти хабар тарқатди.

Бундан аввалги рекорд хоккей бўйича жорий йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида ўрнатилганди. Ушбу мусобақанинг очилиш ўйинини кўриш учун 77 минг 803 нафар мухлис ташриф буюрганди. Ушанда майдонга Германия ва АҚШ терма жамоалари тушган эди.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Дэвид Хэй ва ака-ука Кличколарнинг промоутерлари узоқ вақт жимликдан сўнг яна музокараларга киришди. Англия матбуотида ёзилишича, музокараларнинг биринчи босқичи Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган.

Британиялик боксчининг менежери Адам Бутнинг The Guardian газетаси учун берган интервьюсида маълум қилинишича, томонлар тез орада бир тўхтамга келишади.

— Музокаралар тўғри олиб борилмоқда, — дейди Дэвид Хэйнинг ўзи журналистлар билан мулоқот чоғида. — Яқин вақт ичида ҳаммаси аниқ бўлади. Мен учрашувни интиқлик билан кутаяпман. Ҳар қандай вазиятда ҳам беллашув ташкил этилади, деб ўйлайман. Хабарингиз бор, келгуси йили боксдаги фаолиятимни якунлайман. Агар охирги учрашувимда Владимир Кличкога қарши рингга чиқсам жуда яхши бўларди.

ЯНГИ ҚОИДА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



ФИА тарқатган расмий пресс-релизда қайд этилишича, кейинги мавсумдан бошлаб Формула-1 мусобақаларида жамоаларнинг ишчилари учун комендантлик соати жорий этилади.

Яъни уларга пойга йўлакчасида автомашиналар билан ишлаш тақиқланади. Мутахассислар мазкур чеклов жамоаларнинг имкониятини оширади, деб ҳисоблашмоқда. Шундай қилиб, янги қоидага биноан жамоанинг ҳеч бир ишчиси, у ким бўлишидан ё қандай вазият бўлишидан қатъи назар, автодромга киришга рухсат берилмайди.

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК АНЪАНА БУЗИЛАДИМИ?

Маълумки, Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида 30 йилдан буён теннис бўйича жаҳон чемпионати мунтазам ўтказиб келинади.

Аммо АР ахборот агентлигининг тарқатган ахборотига кўра, кейинги йилда турнир ўтказилмаслиги мумкин. Мусобақа ташкилотчиларининг маълум қилишича, турнирни ўтказиш учун янги ҳомий топилмаяпти.

Жаҳон чемпионати Дюссельдорфда 1978 йилдан бери ўтказиб келинаётганди. Турнирда одатда дунёнинг кучли саккизта жамоаси иштирок этади. Жорий йилги беллашувларда эса Аргентина терма жамоаси ғолиб бўлганди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 29 декабрь, чоршанба куни чиқади.

ИМКОНИЯТ

Бойсунда туризм ривожланади

ЮНЕСКО томонидан Бойсун маданий муҳитининг дунё номоддий бойликлари сафида эътироф этилгани бу мўъжаз тоғли масканда халқ этнографияси ва фольклор маданиятини янада сайқаллаштириш, халқаро туризмни ривожлантириш борасида катта имкониятларни очмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО ҳомийлигида ташкил этилган Бойсун миллий ҳунармандчилик марказининг бу йўналишда амалга ошираётган ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Унутилиб кетган халқ миллий ҳунармандчилиги билан шуғулланиб келаётган юз нафардан ортиқ қўлигул усталарни бирлаштирган марказ айни пайтда "Бойсун" фольклор этнографик халқ ансамбли билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Тошкентда бўлиб ўтган "Буюк ипак йўли" халқаро XVI сайёҳлик кўргазмасида ушбу ҳамкорликнинг самараси яққол намоён бўлди.

Кўргазма иштирокчилари Бойсунда халқаро туризмни шакллантириш ва ривожлантириш асослари ҳамда йўналишлари билан илк бор танишишга муваффақ бўлдилар. Эътиборлиси шундаки, ўтган асрда унутилиб кетган, бойсунлик ҳунармандлар томонидан қайта тикланган ҳунармандчилик маҳсулотлари намойишида уларнинг тайёрланиш жараёни "Бойсун" фольклор-этнографик ансамбли иштирокчилари томонидан бадиийлаштирилган шаклда намойиш этилди. Хусусан, мўйки, желак, жанда каби миллий маҳсулотларимизнинг яратилиш тарихи ва усули кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

— ЮНЕСКО томонидан халқаро сертификатга муносиб топилган "жанда" ("алача") аталмиш миллий маҳсулотимиз кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, — дейди миллий ҳунармандчилик маркази мутахассиси Х.Салимова. — Негаки, ушбу мато Ўзбекистон бўйича фақат Бойсунда ишлаб чиқарилади. У аллақачон бир неча хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда алоҳида эътирофга сазовор бўлган.

Халқаро сайёҳлик компаниялари вакилларининг эътироф этишларича, келгусида Бойсунда халқаро туризмни ривожлантириш учун барча асослар мавжуд. Жумладан, инсониятнинг илк маконларидан бири — неандертал одам манзили — Тешиктош ғори, Гумматак қишлоғидаги динозавр излари топилган қоялар ва бошқа ўнлаб тарихий-маданий ёдгорликлар бўйлаб халқаро туристик саёҳат йўналишларининг очилиши, Бойсун маданий муҳити билан танишиш келгусида Ўзбекистон туризмини ривожлантиришда муносиб ўрин тутади.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

АЖОЙИБОТ

Эҳтиёт бўлинг: куйиб қоласиз!

Ўсимликлар олами ғаройиботларга тўла. Бунга мисол қилиб диктамнусни кўрсатиш мумкин. Бу ўсимлик иссиқ кунда ўз-ўзидан аланга олади, лекин ёниб битмайди.

Яхшиси диктамнусдан эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки унга тегиб кетсангиз куйиб қолишингиз тайин. Жароҳат жойида эса қавариқлар пайдо бўлиб, яранинг битиши жуда секин кечади. Вақт ўтиши билан куйиш ўрнида жигарранг доғ ёки чандиқ қолиши мумкин.

Газанда дарахт

Чақиб оладиган дарахт ҳақида ҳеч эшиттанмисиз? Ниш ура оладиган бу ўсимликнинг номи онгаонга. Уни Янги Зеландияда учратиш мумкин.

Баландлиги 5 метргача етадиган онгаонга ўзининг майда туклари ёрдамида "чақиб" олиб, итни ва ҳатто отни ҳам ўлдира олади. Бу ўсимликнинг барглари таркибида гистамин ва чумоли кислотаси мавжуд. Лекин баъзи бир ҳашаротларнинг бу заҳарга қарши иммунитетлари бор. Улар бу ўсимликни мазза қилиб истеъмол қилишади.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири
Жуманиёз ЖАББОРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Мухтор Худойқуловга рафиқаси
АТИЯХОН аянинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@mail.ru

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-369-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-225-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-224-73-33
		Навоий —	8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 8822 Буюртма — Г-1126 1 2 3 4 5